O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1999 йил 7 декабр | 45 (217)-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ДАСТУРИ



Биз XXI аср бўсағасида — янги буюк ўзгаришлар, жамиятимизнинг янгиланиши ва қудратли тараққиёти бўсағасида турибмиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислоҳотлардан асосий мақсад — юртимизнинг янада ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.

Бу стратегик ва дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда биз мамлакатимизнинг ички ва ташқи аҳволини танқидий кўз билан чуқур таҳлил қилиб, ўз сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишимиз зарур.

Бу устувор вазифалар нималардан иборат?

Биринчи устувор вазифамиз — иқтисодиётимизнинг изчил ўсиши ва самарадорлигини ошириш, демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш асосида халқ турмуш даражасининг барқарор ва узлуксиз яхшиланиб боришини таъминлаш зарур. Бу борада кам таъминланган, муҳтож оилалар ва одамларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу мақсадда яқин беш йил давомида:

— Иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баробар ошириш. Шу билан бирга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8-2,0 баробар кўпайтириш;

— Миллий пулимизнинг қадрсизланишига қарши қатъий чораларни кўриш ва шулар ҳисобидан одамларнинг реал (амалдаги) даромадини мунтазам ошириш;

— Давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга эътиборни кучайтириш;

— Бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда ва ажратилган маблағларнинг самарасини оширишда маҳалла жамоатчилигига кенг миқёсда суяниш;

— Ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш, шунингдек, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2005 йилгача бўлган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— Ишсизлар ва ортиқча ишчи кучларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида янги иш ўринларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу ишга чет эл сармоялари ва ички имкониятларни кенг жалб этиш;

— Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аввало қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш давлат дастурининг бажарилишини якунига етказиш, 2005 йилга қадар ичимлик сув билан таъминлаш миқдорини 85 фоизга, табиий газ билан эса 82 фоизга етказиш;

— Соғлиқни сақлаш ва экологик хавфсизлик соҳаларида қабул қилинган дастурни ҳаётга жорий этиш масалаларини қаттиқ назоратга олиш.

Биз бу ўта муҳим ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун авваламбор ислоҳотларимизнинг иккинчи асосий устувор йўналиши бўлмиш сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этишимиз мумкин.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш, инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлигини ҳимоялаш лозим.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар — ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш.

Иқтисодий соҳани янада эркинлаштириш мақсадида, биринчи навбатда, давлат бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, кичик ва ўрта бизнес ривожланишига ҳар томонлама кўмак бериш, шу билан бирга, бозор инфратузилмасини кенг ривожлантириш лозим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласини доимий диққат марказида тутиш, бу соҳада белгиланган ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини тўла миқёсда амалга оширишга эришиш, энг муҳими, ерни ҳақиқий эгасига топшириш ва меҳнаткаш деҳқоннинг ўз меҳнати самарасидан тўлақонли фойдаланиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

Учинчи устувор йўналиш — жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Ёшлар сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариш, ёш оилаларга ёрдам кўрсатиш, аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини ошириш борасидаги ишларни давом эттириш лозим.

Шу мақсадда жамиятимизнинг маънавий-маърифий юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган инсонларни, аввало мактаб, лицей, коллежлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва домлаларини, илму фан соҳасида ишлаётган илмий ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларга керакли моддий шароит туғдириб бериш кўзда тутилади.

Тўртинчи устувор йўналиш — кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммоларни ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир, кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ. Усиб келаётган навқирон авлод, азиз фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг қувончимиз, таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз, деган шиорни амалда рўёбга чиқаришни таъминлашимиз даркор.

Бешинчи устувор йўналиш — бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир.

Мазкур ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал-хомашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

Олтинчи устувор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқароларaро тотувликни, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, дунё мамлакатлари билан тенгҳуқуқли асосда шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биз янги аср бўсағасида, янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир.

Мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ.

Шу олижаноб, мард ва меҳнаткаш, бағрикенг халқимизнинг бугуни ва ёруғ келажаги йўлида садоқат билан хизмат қилиш — ҳаётимнинг маъноси, умримнинг мазмунидир.

**(Дастурнинг тўлиқ матни Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» рисоласида баён этилган)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АБДУЛҲАФИЗ МАРАҲИМОВИЧ ЖАЛОЛОВНИНГ ДАСТУРИ



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг барча амалдаги қонунларига содиқлик, уларнинг изчил амалга оширилиши ва мамлакат фуқаролари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг рўёбга чиқиши йўлида сидқидилдан хизмат қилиш.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда демократияни — кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви тизимини изчил қарор топтириш, шунингдек, ватанимизнинг илғор жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаши манфаатларидан келиб чиқиб, қуйидагиларнинг бажарилишини биринчи галдаги вазифалар сифатида амалда таъминлаш:

**СИЁСИЙ СОҲАДА:**

— Давлат ҳокимиятининг халқнинг бевосита ва унинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари тимсолида, билвосита назорати остида бўлиши;

— Давлат ҳокимияти вакиллик идораларини, асосан, халқ томонидан, сиёсий партиялардан сайлаб қўйиладиган депутатлар таркибидан иборат тарзда шакллантириш;

— Сиёсий партиялар жамиятдаги мавқеининг, уларнинг намояндалари томонидан давлат ҳокимияти вакиллик идораларида, сайловлар натижасида эгаллаган ўринларидан келиб чиқиб, фарқланиши;

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунийлик, партиявий масъулият, назорат ҳамда кафолат асосида қуриш;

— Давлат ҳокимиятининг учта — қонунчилик-вакиллик, ижроия, суд тармоғи ва уларнинг марказий, минтақавий ҳамда маҳаллий идораларининг ўзларининг конституциявий ваколатларини мустақил амалга оширишлари;

— Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларининг, ўзларининг қонунларда белгиланган ваколатларини бажаришдаги, чинакам, жумладан, молиявий-иқтисодий мустақиллиги;

— Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини янада кучайтириш, пировард натижада, уларнинг масъулиятини фақат қонунлар доираси билан чекланган бўлишлиги;

— Энг оддий фуқаронинг овозини жамиятда баралла эшитилиши, унинг катта сиёсатга таъсир эта билиш имкониятларининг мавжудлиги;

— Барча давлат идоралари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга сўзсиз итоат этишнинг, бундан ҳеч ҳам бўйин товлай олмасликларининг жиддий (етакчи, идора этувчи ва мухолиф сиёсий партиялар фаолиятини тақозо этувчи) мурувватларини яратиш;

— Жамоат ташкилотлари барча кўриниш ва шаклларининг, халқ оммаси ташкилий уюшқоқлиги тимсоли сифатида, жамият ва давлатни бошқаришдаги фаол иштироки;

— Кўзланаётган барча олижаноб мақсадларга эришишнинг қонуний-ҳуқуқий негизларини яратиш, уларни мунтазам такомиллаштириш ва ҳ.к.

**ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА:**

— Иқтисодий эркинликнинг шахс, инсон ҳурлиги барча шакл-шамойилларининг дастлабки, туб, ҳал қилувчи асоси бўлишлиги;

— ҳар бир фуқаронинг мулк, унинг шаклидан қатъий назар, соҳиби бўлиш ҳуқуқини рўёбга чиқиш имкониятининг воқелиги;

— кўзланган ҳамма ижтимоий-фойдали ниятларга етишиш, вазифаларни уддалашда булардан ҳар бир кишининг шахсий манфаатдорлигининг ҳисобга олиниши;

— Ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолият тури, унинг натижасида етиштирилган маҳсулотни сотиш бўйича нарх-навони мустақил белгилаш ва ундан келган даромадни, фойдани, ўз хоҳишига кўра, тасарруф этиш эркинлиги;

— Кичик ва ўрта бизнесни кенг миқёсларда ривож топтириш;

— Товарлар ва капиталнинг мамлакат ичида эркин ҳаракат қилиши ҳамда ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги (амалдаги қонунларда кўзда тутилган чеклашлар бундан мустасно);

— Иқтисодий ҳаётга оид ишончли ахборий хизмат тизимини жорий қилиш;

— Солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи омилга айлантириш;

— Давлат ҳокимияти, бошқаруви ва мансабдор шахсларнинг ишлаб чиқарувчилар хўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашувига йўл қўймаслик;

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви барча даражалардаги идораларининг, бозор муносабатларини инсоний, ижтимоий йўналиш ўзанларида ривож топиши заминларини яратишдаги аҳамиятни ошириш чораларини кўриш;

— Бозор муносабатларининг иқтисодий демократия сифатидаги ривожланишига қаратилган қонунларни қабул қилиш, уларни муттасил ривожлантириб бориш ва ҳ.к.

**ИЖТИМОИЙ СОҲАДА:**

— Адолат қарор топтириш чораларини изчил рўёбга чиқариш;

— Аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ҳолатига эришиш;

— Ишсизликни барҳам топтириш;

— Меҳнатнинг инсон шахсини рўёбга чиқариш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдаги ҳал қилувчилик аҳамиятини ошириш;

— Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ муҳофаза этиш, жумладан уларнинг пулнинг қадрсизланиши оқибатида даромадларининг пасайишини, энг кам иш ҳақи ва меҳнат пенсиялари ҳажмларини тегишли даражада индексациялаш орқали оқилона қоплаш;

— Жамиятда болалар, ёшлар, хотин-қизлар мавқеини жиддий кўтаришнинг амалий чора-тадбирларини кўриш;

— Тиббий ёрдамнинг барча учун мақбул шаклларини вужудга келтириш;

— Жамиятда ижтимоий муҳофаза тадбирларини амалга оширишда фаол иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий шароит ҳамда заминларини яратиш;

— Порахўрлик, тўрачилик, тамагирлик каби барча салбий иллатларнинг пайини қирқиш;

— Мулкдорлар синфи, ўрта синфнинг фаол шаклланиши муҳитини вужудга келтириш;

— Юқоридагиларнинг ҳаммасини жамиятдаги ижтимоий ва миллатлараро бирдамликни мустаҳкамлашнинг жиддий омилларига айлантириш;

— Ижтимоий муносабатларни инсоний негизларда ривожланишнинг қонуний-ҳуқуқий пойдеворини муттасил яратиш ҳамда ривожлантириб бориш ва ҳ.к.

**МАЪНАВИЙ СОҲАДА:**

— Жамиятни, миллий яхлитлик ва халқнинг ижтимоий муштараклигини инсон шахси баркамоллигига эришишнинг макони воситасига айлантириш;

— Жамиятда миллий, шарқона ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига ҳамда уларга риоя қилинишига эришиш;

— Ислом дини ва бошқа динларнинг тарбиявий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланишига йўл қўймаслик;

— Тарихга, миллий-маданий, маънавий меросга ҳурмат руҳини қарор топтириш;

— Илм-фан, таълим ва маърифатнинг, шунингдек, мазкур соҳаларда меҳнат қилувчи олим, мураббий ва тарғиботчиларнинг ижтимоий мавқеини бекиёс кўтариш;

— Барча фуқароларни умумжаҳон, шарқ халқлари ва миллий маданият дурдоналари, ютуқларидан баҳраманд қилиш имкониятларини муҳайё этиш;

— Маънавият, ақл-заковат ва билимлиликнинг ҳамма соҳаларда раҳнамо бўлишлиги ҳамда ҳар бир кишининг бундай фазилатлар соҳиби эканлигидан шахсан манфаатдорлик муҳитини вужудга келтириш ва ҳ.к.

**ТАШҚИ СИЁСАТ ВА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ҲАМДА МУДОФАА СОҲАСИДА:**

— Ўзбекистонннинг барча узоқ ва яқин, хусусан, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан миллий манфаатларимизга мос, ўзаро фойдали ҳамкорлигини янада ривожлантириш;

— Минтақа ва жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорлик учун зарур саъй-ҳаракатларни доимий равишда амалга ошириш;

— Мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва халқнинг осойишталигини асраб-авайлашга, уларга зиён етказишга йўл қўймайдиган даражадаги, махсус тайёргарлик ҳамда замонавий ҳарбий техника, аслаҳага эга, қуролли кучлар, миллий хавфсизлик ва ички хизмат тизимларининг узлуксиз шайлиги ва ҳакозо.

***

Юқоридагилар, уларнинг амалий ижроси, асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқининг фаровонлигига, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, унинг азалий шон-шуҳратининг қайта тикланишига ва Ўзбекистоннинг буюк келажагини яқинлаштиришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

## ЭЛДА ЯНГЛИШ БЎЛМАЙДИ

Кеча мамлакатимиз бўйлаб халқимиз иродасини чинакам акс эттирган сайлов бўлиб ўтди. Бу кун «Кучли давлатдан кучли фуқаролар жамияти сари!» шиори яна бир бор амалиёт кўрсатди — халқимиз демократиянинг моҳияти, манфаатини англаб етаётганлигини, демократик жамиятда яшашга ўзини тайёрлаб бораётганлигини, унга эҳтиёжи, иштиёқи, интилиши, ишончи баландлигини ва содиқлигини намоён қилди.

Қувонч билан таъкидлашимиз мумкинки, сайловга номзодлар ҳам, сайловчилар ҳам бирдай қизиқиш, ишонч билан тадорикда бўлдилар. Суҳбатлар, мулоқотлар жонли, ҳаётга киришимли тарзда кечди, масъуллик ҳисси ҳар бир фуқаро кўнглидан жой олиб турди. Кишиларимиз энди мустақил давлатимизда сайловлар шунчаки расмиятчилик учун эмас, халқ учун, буюк келажагимиз учун ҳаққоний — амалий ўтишини ҳар бир сайловда ҳис қилмоқдалар. Шу боис сайловда барча бирдай иштирок этди. Маҳаллий кенгашларга ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ҳар бир фуқаро ўзи танлаган, ишонч билдирган номзоди учун овоз берди. Элда янглиш бўлмайди, дейдилар. Шу маънода сайловчиларимиз элим, юртим дейдиган, оқил, тадбирли, билимдон кишиларни кўпчилик овоз билан сайлаганликларига шубҳамиз йўқ. Сайлов натижалари эълон қилингач, бунга барча бирдай гувоҳ бўлғуси.

Маълумингизким, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ҳам бу гал илк бора ўз номзодларини халқимиз ҳукмига ҳавола этди. Бўлиб ўтган сайлоолди учрашувлар, мулоқотларда номзодларимизга нисбатан элнинг ихлоси борлигини, тикланиш номзодларини ҳамма кутганлигини ҳис этдик. Бу бизга қанот бағишлади, ғояларимизнинг амалиётга фаол киришиб кетиши йўлида кўплашаётганимиз бизни қувонтирди. Халқ сайлаган депутатлар ичида «Миллий тикланиш»чилар сафи ҳам анча кенг бўлади деб ўйлаймиз. Ва албатта улар сайловчилар ишончини оқлаб халқ, Ватан учун, Миллий тикланиш ғоялари учун муттасил ишлайдилар, ваъдаларида турадилар!

## ҲУҚУҚИЙ ИФТИХОРИМИЗ

Эртага Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган қутлуғ кун мамлакатимизда кенг нишонланади. Ҳавас қилгулик ушбу Конституциямиз инсон ва инсоният ҳуқуқий меъёрларига тўла жавоб беради. Шу боис хорижий давлатлар, дунё сиёсатшунослари назарида унинг эътибори баланд — Конституциямизга қизиқадилар, уни ўрганадилар. Бизнинг қомусимизда инсон озодлиги, эркин ҳаёти Ватан озодлиги билан бирликда ҳуқуқий меъёрлаштирилган. Зеро, бу — халқимизнинг узоқ йиллик тарихий орзуси эди. Мана, 7 йилдирки, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган Конституциямиз ҳаётийлигини — ҳаққонийлигини намоён қилмоқда!

Озод Ватан тақдирига туташ ҳуқуқ ва бурчларимиз битилган бу беназир китоб инсон қадрини улуғлаши, қонуний ҳимоялаши билан ҳам барчанинг юрагига яқин, севимлидир. Ўз қадримизни билиб яшашимиз, аждодларимизга муносиб сўзамалда туришимиз, тикланиш — юксалишимизнинг кафолати, ҳуқуқий ифтихоримиз биз билан! Ва у мангу озодлигимизга муштарак нурланиб туражак. Конституциямизнинг ҳар бир сўзи мудом қалбларда ғурур бўлиб ёнади, авлодлар томирида қудрат бўлиб оқаверади.

## «ОСИЁ ЙЎЛБАРСИ» ВА МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

1 декабр куни Ўзбекистон Темурийлар тарихи Давлат музейида «Жалолиддин Мангуберди ва миллий тикланиш» мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди. ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети, «Меҳмондўстлик ва ахборот» хизмати ҳамда ушбу музей маъмурияти ҳамкорлигида уюштирилган мазкур анжуманни ЎзМТДП Тошкент шаҳар Чилонзор тумани кенгаши раиси Маҳмуда Мирзаева бошқариб борди.

Конференцияда таниқли тарихшунос олим Исо Жабборов, Ўзбекистон халқ рассоми, Жалолиддин Мангуберди портретини чизиш бўйича республика танлови ғолиби Тўравой Куриёзовлар сўзга чиқдилар. Илмий анжуманда Жаҳон тиллари университетининг I босқич талабаларидан Жамшид Амирқулов, Шаҳноза Қаюмова, Гулнора Тўрахўжаева, Моҳлар Рустамова, Жамшид Саъдиновларнинг шу мавзуга доир илмий маърузалари тингланди. Талабаларнинг илмга, тарихга ва Ватанга муҳаббати баландлиги иштирокчиларда самимий хайриҳоҳлик уйғотди. Ёшларга илмий раҳнамолик қилган тарих фанлари доктори Шоди Каримов ва шу университет чет эллар билан алоқалар бўйича ректор муовини, халқаро журналистика факултети декани Гуландом Боқиевага ташаккур билдирдилар.

## Бир ўқ атрофида айланар дунё

### КУЗАТУВЧИЛАР ЖЎНАТИЛДИ

**Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти 19 декабрда бўлиб ўтадиган Россия давлат думасига сайловларда кузатувчи сифатида қатнашиш учун 500 кишини жўнатмоқда. Айни пайтда Россияда ЕХҲТнинг 25 нафар таҳлилчиси сайловларга тайёргарликнинг бориши ва номзодларнинг сайловолди компаниясини кузатиш ишларида иштирок этаётир.**

### ПОРТЛАШ ЮЗ БЕРДИ

Тбилисидаги 16 қаватли турар-жой иморатининг иккинчи қаватида портлаш юз берди. Тбилисидаги «Кавказия» телекомпаниясининг директори Давид Акубардия яшайдиган хонадон портлатилди. Портлаш оқибатида ҳеч кимга зарар етмади. Грузия телевидениесининг хабарига кўра, суиқасд шу уйда яшовчи Грузия бош ҳарбий прокурори Бадри Бицадзега қарши уюштирилган. Прокурорнинг журналистларга маълум қилишига кўра, кейинги кунларда унга нисбатан пўписалар бўлган.

### ИШ ҲАҚИ ҚАРЗЛАРИ УЗИЛАДИ

**2000 йилнинг 15 апрелига қадар Россияда бюджетдаги барча соҳалар ходимларининг ойлик маошлари бўйича қарзлар узилади. Бу ҳақда Россия бош вазири Владимир Путин ўтказган кенгашда қарор қабул қилинди. Кенгаш якунида Россия Федерацияси Молия вазири биринчи ўринбосари Алексей Кудриннинг журналистларга маълум қилишига қараганда, РФ ҳукумати ушбу муаммони ҳал этишда фаол иштирок этади. Унинг айтишича, Россия федерацияси субъектлари билан битим тузилиб, бунга кўра, даромадлар ва трансфертлардан минтақаларга ажратиладиган маблағларнинг 40 фоизи жорий маошлар ва маошлар бўйича қарзларни узиш учун маҳаллий ҳокимиятларга берилади.**

«ТУРКИСТОН-ПРЕСС»

# КЕЛАЖАК ГАРОВИ

*Тикланиш ишлари*

> *«Агар қудратимизга шак-шубҳа қилсанг биз қурган иморатларимизга боқ»*
> *Амир ТЕМУР*

Ўзбекистондаги меъморий ёдгорликлар аждодларимиз қўли ва идроки билан яратилган шоҳ асарлардир. Бу ёдгорликларда халқимизнинг ўтмиш тарихи, илм-фан тараққиёти, маданияти ўз аксини топган.

Ҳозирги кунда миллий қадриятларимизни тиклаш, уларни бойитишга катта аҳамият берилаяпти. Бу ҳол архитектура, тарих ва санъатшунослик соҳаларида бир қанча муаммоларни ечиш заруратини юзага келтирди. Конструктив ва муҳандислик масалалари фан оламида деярли ёритилмагани бу соҳаларда кўплаб қийинчилик ва ноқулайликларни туғдираётир.

Шу каби масалаларнинг ечимини топиш мақсадида Тошкент архитектура-қурилиш институти олимлари томонидан архитектура ёдгорликларининг муҳандислик муаммоларига бағишланган кенг қамровли илмий-техник режа ишлаб чиқилди. Унинг манбаи сифатида Оқсарой арки танлаб олинди.

1380-1404 йилларда Амир Темур раҳбарлигида қурилган Оқсарой арки ўша даврда қурилган меъморий иншоотлар ичида энг салобатли, конструктив жиҳатдан ўта ноёб ва мураккаб иншоот ҳисобланади. Тарихий манбаларда ёзилишича, аслида унинг баландлиги 74 метр бўлган. Бизгача етиб келган иккита пештоқнинг баландлиги эса 36 метрни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда пештоқларнинг жанубий қисми ўта ночор аҳволда бўлиб, уларнинг дефармацияси давом этмоқда. Институтда олиб борилаётган илмий ишларнинг мақсади авария ҳолидаги пештоқни тиклаш, конструктив ечимини яратиш йўли билан бу ноёб архитектура ёдгорлигини келажак авлодга мустаҳкам ҳолатда етказишдир. Бунинг учун олимларимиз томонидан муҳандислик муаммолари бўйича илмий-техник режа тузилиб, бинонинг деформацион ҳолати, заминнинг юк кўтариш қобилияти ўта сезгир сейсмометрик асбоблар билан ўлчаб кўрилди ва шу асосда конструкциялар фойдаланилган қурилиш ашёларининг физик-механик хусусиятларини ҳисоблаш имконияти яратилди. Бу ишни биз институтимизнинг кўп йиллардан бери ижодий ҳамкорига айланган Германиянинг «Баухаус» Веймар университети билан тузилган шартнома асосида амалга оширмоқдамиз, Улар ўзларининг замонавий асбоблари билан бизга ёрдам бермоқдалар.

Она Ўзбекистонимиздаги меъморий ёдгорликлар асримизнинг бошларида 40 мингдан ортиқ бўлган бўлса, ҳозирги кунда сони 7 мингтага тушиб қолгани вазифамизнинг нақадар юксак ва масъуллигини кўрсатади. Чунки ватанимиздаги обидаларнинг кўп қисми дунё аҳамиятига эга бўлиб, уларни халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ўз назоратига олган. Уларни кўз қорачиғидай сақлаш ҳар биримизнинг тарих, халқ ва юрт олдидаги инсоний бурчимиздир. Зеро, ўтмишни эъзозлаш келажакни кўра билишдир.

**К. АБДУРАШИДОВ,**
**техника фанлари доктори, профессор**
**Р. ЮСУПОВ,**
**техника фанлари номзоди**



**Қиш келса, баҳордан нишон...**

# ЙИГИТ ЙИГИТДЕК БЎЛСА

Кўплаб ёшлар ҳарбий бўлмоқликни орзу қиладилар. Кинофильмлар, турли китоблар ёхуд ота-боболарнинг мароқли ҳикоялари ҳам ёшларда ҳарбийликка бўлган қизиқиш уйғотади.

— Йигит йигитдек бўлса, қадамидан ўт чақнаб турса, — дейди Ўзбекистон тумани 18-касб-ҳунар лицейи ҳарбий таълим ўқитувчиси Жалолиддин Тўхтаматов. — Аввало ёшларнинг иродасини мустаҳкамламоқ зарур, чунки иродали ва матонатли ёшларгина чин маънода ватан қўриқчисига айлана олади.

— Аждодларингизда ҳарбийлар бўлганми?», — деб сўрадим суҳбат чоғида.

— Отамнинг айтишларича, бобом миршаб бўлган эканлар. Отам II жаҳон уруши қатнашчиси, ул зотнинг жанг тафсилотлари ҳақидаги суҳбатлари ёш қалбимда ҳарбийларга нисбатан ўзгача муҳаббат қўзғата олган. Ўғлим Жаҳонгиржон ҳам ватанпарварлик соҳасига жуда қизиқади. У Фарғонадаги ҳарбий лицейга кириб ўқиш истагида. «От изини той босар» деганларидек, у зобит бўлиб эл-юртга астойдил ва ҳалол хизмат қилса, бу менинг ҳам орзуим.

Йиллаб, мисқоллаб тўпланган билим, бой ҳаётий тажриба ёшларнинг беғубор кўнгилларига янгича бир эпкин олиб кираверади. Юртимизнинг тинчлиги, эл осойишталиги ҳарбийлар зиммасида. Бўлажак ҳарбийлар эса ҳозирги ёшлардир. Уларнинг дилига иймону-эътиқод билан бирга ватанга садоқатли, содиқ ўғлонлар бўлиш иштиёқини жойласак, келгусида юртимиз сарҳадларини билим қудрати, қалб қуввати, ишонч ила қўриқлайдилар.

**Эркинжон ҲАЁНБОЙ ўғли**



**Элакка чиқиб...**

# КИМ КИМНИ АЛДАЯПТИ?

**МУҚАДДИМА**

Шу йилнинг 30 август куни Қумқўрғон туманида бўлиб, мактаблардаги янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари билан қизиқдим. Менга туман халқ таълими бўлим мудири Файзулла Мирзаев ҳамроҳлик қилди. У киши билан биргаликда мактабма-мактаб юриб таъмирлаш ишларининг якуни ва янги ўқув йили олдидан олиб борилаётган тайёргарлик ишлари билан танишдик. Дастлабки ташрифимиз туман халқ таълими бўлимига яқин қўшни бўлган Равшан Худойқулов бошлиқ 33-ўрта умумий таълим мактаби чекига тушди. Вақт тушга яқинлашиб қолаётганига қарамай мактаб эшигига урилган каттакон қулф ҳамон жойида эди. Бироз гангиб турганимиздан сўнг мактабга қарама-қарши бўлган болалар боғчаси томонидан бир киши шошиб келиб, домла билан гўё бир гуноҳ иш қилгандек қимтинибгина сўрашди ва қулфни очди. Мактабда бу кишидан бўлак ҳеч ким йўқлиги туфайли бўсағадан қайтишга мажбур бўлдик. Худди шу пайт мудир менинг олдимда ўзини ташкилотчи ва жонкуяр қилиб кўрсатишга чоғланди чоғи, овозининг борича бақириб одамгарчиликка мос келмайдиган ҳақорат сўзлар билан ҳалига ўқитувчига дўқлай кетди: «Энангни эмгурлар, қаерга кетишди?».

Ҳақоратларга кўмилган шўрлик ўқитувчи қизариб-бўзариб гап тополмасдан довдираб қолди. Ўртага зилдай сукунат чўкди...

Шундан сўнг вазиятни юмшатиш учун мудир мени тумандаги энг намунали мактаблардан бирига бошлади. Синфхоналарнинг озодалиги, ўқитувчиларнинг ўз синфхоналарида ўтириб иш режаларининг тузишаётганлигидан сездикки, иш яхши. Бу ерда бор-йўғи битта камчилик бор экан: у ҳам бўлса мактаб ортидаги торгина ўйингоҳга ҳали-ҳануз чим ётқизилмаган экан. Буни мудир шундай изоҳлади: — Бу ерда болалар футбол ўйнашмайди. Туман марказий ўйингоҳи яқин, ўқувчилар ўшандан фойдаланишади.

Воқеанинг энг қизиғи кейин содир бўлди. Тумандаги Мавлуда Абдуллаева раҳбарлик қилаётган 5-ўрта мактаб таъмирлаш ишларининг ниҳоят даражада сустлиги туфайли деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган экан. Янги бинонинг ҳолати яхши-ю, аммо эски бинода ўқувчиларнинг дарс ўтишлари у ёқда турсин, ёнидан ўтишга ҳам чўчийсан киши. Ҳамма ёқни ахлат босган. Девор сувоқлари кўчган, дераза ва эшик ромлари ўйилган бу бинодаги синфхоналарда стол-стул, ёзув доскаси ва турли хил кўргазмали қуроллар турганини кўриб, аввалига ҳайрон бўлдим. Менинг нима демоқчи эканимни англади шекилли, мудир изоҳ берди:

— Бу ерда дарс ўтилмайди, вассалом!

Унда кўргазмали қуроллар, стол-стуллар...

— Э, ука, тушунмайсанми, мен сенга дарс ўтилмайди деяпманку! Демак, ўтилмайди! Нима, сенга устозларинг тирноқ остидан кир қидириб, фақат камчилик изла деб ўргатишганми? Э, бўлди-да!..

Беш қўл баробар эмас деганлари рост экан, мактаб директори Мавлуда Абдуллаеванинг тили ёлғонга ўрганмаган экан. «Шу эски бинода дарс ўтиладимийўқми» деган саволга у жавоб беролмай қийналиб қолди: «Ҳа» деса, биринчидан, мудирнинг юзи қаро бўлади, иккинчидан ўзи ҳам кўп маломатга қолади.

Мактаб ҳовлисидан чиқиб кетар эканмиз, мудир одобга тўғри келмайдиган сўзлар билан ўқитувчиларни ҳақорат қилди. Ўйланиб қолдим: Ҳар бир раҳбар касб нуқтаи назаридан оддий ходимга буйруқ ёки кўрсатмалар бериши мумкин. Лекин ишчи-хизматчига тазйиқ ўтказиш, қадр-қимматини топташи, шахсиятига тегишга ҳаққи йўқ. Ўйларимга чек қўйдим-да, мудирни сўроққа тутдим:

— Бу йил 11 синфни битириб чиққан ўқувчилардан неча нафари олий ўқув юртларига талабаликка қабул қилинди?

— Ҳой ука, берсанг, дуруст-дуруст савол бер, бўлмаса беҳудага менинг бошимни оғритма. Қанча ўқувчи ўқишга кирганлигини мен қаердан биламан? Сенинг ақлинг жойидами ўзи?!...

— Тушунмадим, бунинг нимаси ноўрин савол?!

— Э бор йўқол, хонамдан чиқиб кет! Бошимни оғритма! Мудир энди очиқчасига дўқ-пўписа қила кетди. Ҳайрон бўлиб, ёқамни ушладим.

— Илтимос, дўқ-пўписа қилмай гапиринг.

— Ҳов бола, хонадан чиқиб кетасанми ё ўзим судраб чиқарайми?! Йўқол, деяпман сенга! Ҳозир тегишли жойга телефон қилиб, шармандангни чиқараман... Қаерга борсанг бор, саволингга жавоб бермайман! Сен кимсан ўзи? Билиб қўй, бола, сен билан охиригача курашаман!...

Мудирнинг оғзидан чиқаётган ҳақоратли гап-сўзларнинг охири йўққа ўхшарди. Шу онда, қўйиб берса, мудир мени калтаклашдан ҳам қайтмас эди.

Ўз-ўзидан мантиқий савол пайдо бўлади: хўш, мудир нега мени очиқдан очиқ муҳорабага чорлаяпти? Нега иш юзасидан келиб чиққан келишмовчилик шахсий адоватга айланиши керак? Бундан ким манфаат топади? Мудирнинг ҳаддан зиёд ўзига бўлган ишончи ортида қандай куч турибди?

**КЕЙИН...**

Орадан роппа-роса бир ой ўтиб тағин Қумқўрғон туманида яна журналист текшируви ўтказдик. Текширувимиз 4-ўрта мактабдан бошланди. Эски дарвозадан киришимиз биланоқ тамаки, писта ва бошқа хил маҳсулотларни ейиб ўтирган «тадбиркор»ларга кўзимиз тушди. Ҳовли ифлос, ташландиқ бир ҳолатда. Шундай қилиб, мудир жанобларининг «бу ўқув биноси умуман ҳисобдан чиқарилган, дарслар фақат янги бинода олиб борилади» деган ёлғон кўрсатмалари фош бўлди. Илмий бўлим мудири Қудрат Хуррамов билан синфхоналарни оралаймиз. Уларнинг аҳволи аянчли. Доскалар эски, хоналар тор, парталар муддатини ўтаб бўлган. Ўқувчилар уч кишидан бўлиб, бир партага сиқилиб ўтиришга мажбур. Бир бўш хонада эса чанг босган қоғоз чиқиндилари уйилиб ётибди. Синган эшик-деразаларга турли ёғочлар михлаб ташланган. Мактаб биносига кираверишда ўнг қўлдаги бўм-бўш хонада эса электр симлари осилиб қолган. Мактабда умуман ичимлик суви йўқ.

Тумандаги «Қарсақли» қишлоғида жойлашган 5-ўрта мактабда бўлганимизда бундан-да ачинарли ҳолатларнинг устидан чиқдик. Дарс вақти бўлишига қарамасдан мактаб ҳовлисида унда-мунда дарсдан қочиб юрган ўйинқароқ ўқувчиларни учратдик. Мактаб директори Холтўра Қурбонов билан синфхоналарни оралаймиз. 6-»А» синфида болалар эндигина танаффусга чиқишган. Навбатчи қизлар — Замира Норбоева ҳамда Санобар Донаевалардан сўрайман:

— Дарслик китоблари етарлими?

— Инглиз тили, она тили ва француз тили китобимиз бор. Адабиёт китоби эса синфимиз бўйича фақат бир кишида бор. Қолган дарсликлар йўқ — дейди Санобар Донаева.

— Уйга вазифаларни бажаришда қийналиб қолмайсизларми?

— Синфдошлар билан алмашиб, ўқиб оламиз.

— Буни қандай изоҳлайсиз? — дейман директорга юзланиб.

— Ҳозирча дарслик китоблари борасида муаммоларимиз кўп. Айтишларича, қўшни қишлоқдаги 7-ўрта мактабда китоб савдоси йўлга қўйилган эмиш. Ҳали бориб кўрганимиз йўқ.

Шу ўринда беихтиёр мудир билан орамизда бўлиб ўтган воқеани эсладим. Агар мудир жаноблари билимга чанқоқ ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал қила олмаса, айтинг бунга ким айбдор? Биз кимни алдаяпмиз ўзи? Мактабларда таълим-тарбия топаётган мурғак жонларними ёки ўзимизни-ўзимиз?

Бугун Қумқўрғонда мавжуд камчиликлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам кузатилмоқда. Айниқса, дарслик китоблари тақчиллиги яққол сезилаётир.

— «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисидаги» 4-сонли ҚОНУН қабул қилингандан кейин дарслик китоблари очиқ савдога чиқарилмоқда, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси ходими Ҳайитали Алимардонов.

Мана, сизга қонун билан қарорнинг фарқига бормайдиган, унинг аҳамияти ҳақида дуруст ўйлаб ҳам кўрмайдиган масъул ходимнинг гапи! Ҳ. Алимардонов берган маълумотга кўра вилоят бўйича етишмайдиган дарслик китобларининг сони (28 сентябргача бўлган маълумот) қуйидагича:

— 2 синфлар учун 11 номда 98735 дона;

— 3 синфлар учун 9 номда 149617 дона

— 4 синфлар учун 6 номда 706983 дона

— 5 синфлар учун 12 номда 128922 дона

— 6 синфлар учун 15 номда 352745 дона

Вилоятда китоб савдоси билан шуғулланувчи «Сурхондарё китобсавдо» очиқ турдаги акциадорлик жамияти (Раиси Парда Орипов) томонидан (28 сентябрдан кейинги маълумотга кўра) октябр ойида 30500 дона китоб олиб келинган. Ўртадаги етишмовчилик 2-синфлар учун 7500 дона, 3-синфлар учун келтирилмаган, 4-синфлар учун 2000 дона, 5-синфлар учун 9000 дона, 6-синфлар учун 3000 дона рус тилидаги дарсликлар 7400 дона, тожик тилидаги дарсликлар 1600 донага қисқартиришга эришилган. Вилоят миқёсида олиб кўрганда бу дарслик китобларига бўлган эҳтиёжнинг олдида бамисоли денгиздан бир томчи демакдир.

Янги ўқув йилининг деярли ярми ўтиб бормоқда. Аммо вилоят халқ таълими бошқармаси ва «Сурхондарёкитоб савдо» ташкилоти мутасаддиларининг ҳушёр тортиб, ушбу масалада бирор бир ижобий натижага эришишлари учун яна қанча вақт керак бўлар экан?

**Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОДОВ**
**Сурхондарё вилояти**

*Сиёсий сабоқлар*

# ДЕМОКРАТИК КЕНГАЙИШ ШАРТИ

Аксилмарказлаштириш деганда марказий ҳокимият идоралари ваколатлари, мақсад ва вазифаларининг бошқа идораларга берилиши (узатилиши) назарда тутилади. Бу жараён маъмурий тузилма шаклида кечиши боис демократик ҳукумат билан кам боғланиши ва ваколатларнинг узатилиш даражаси турлича бўлиши мумкин. Зеро, айрим мамлакатларда мазкур тузилмадан жойлардаги фаолиятга аралашуви ва уни юқори даражада назорат қилувчи нодемократик ҳукуматни таъминлаш механизми сифатида фойдаланилган. Бунда ваколатларнинг узатилиши давомида миллий ҳукуматдан ташқаридаги ташкилотлар одатда бирмунча молиявий ва маъмурий мустақилликка эга нодавлат бўлинмаларга вакиллик асосида вазифа берилади. Маълум бир маънода бу ҳам аксилмарказлаштиришнинг ўзига хос кўринишларидан биридир. Миллий ҳукуматдан мустақил ва муайян жамоа, вилоят шаҳар ёки туманнинг манфаатини ифодалаш учун демократик йўл билан сайланган мухтор идораларга қарорлар қабул қилиш ваколатлари ва вазифаларининг, шунингдек, булар билан боғлиқ имкониятларнинг узатилиши аксилмарказлаштиришнинг бошқа бир усулини вужудга келтиради. Ҳар учала шакл ҳам эътиборга молик, чунки улар Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидаги худди шундай идоралар доирасида биргаликда мавжуд ва шу ҳолича амалиётга тадбиқ этилган ҳам.

Ҳозирги пайтда аксилмарказлаштириш бошқарувнинг ислоҳ қилишнинг ўлчов бирлиги сифатида тобора оммабоп бўлиб бормоқда. Осборн ва Геблернинг бошқарув тамойиллари тўпламида таъкидланишича, маҳаллий идоралар пулнинг қадрли бўлишини таъминлайди ҳамда маҳаллий эҳтиёжларни аниқроқ белгилаш ва уларга тезроқ жавоб бериш имконига эга. Бундан ташқари, улар расмий қоидалар билан камроқ боғланишга ва иложи борича янгиликларга очиқ бўлишга интиладилар. Шунингдек, улар маҳаллий аҳолини истеъмолчи сифатида эмас, балки хизмат ишлаб чиқарувчилар сифатида иштирок этишини ёқлайдилар — бу йўл арзон ва самаралилиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Албатта, самаралилик муҳим масала, лекин адолат ва ўртача яшаш тарзига эришишнинг ҳам аҳамияти кам эмас. Бу ўринда демократик маҳаллий ҳукуматнинг самарали демократияга қай даражада ҳисса қўшишини таъкидлаб кўрсатиш лозим. Бунинг аниқ таърифини «Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги Европа Хартияси»га ёзилган сўз бошида учратиш мумкин. Унда қуйидагилар ёзилган:

— Ҳокимиятнинг маҳаллий идоралари — ҳар қандай демократик тартиботнинг асосларидан биридир;

— Фуқароларнинг ижтимоий ишларни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатлар томонидан қўллаб-қувватланадиган демократик тамойиллардан бири ҳисобланади;

— бу ҳуқуқни бевосита маҳаллий даражада амалга ошириш мумкин: ҳам фуқароларга яқин бўлган, ҳам самарали фаолият кўрсатувчи маъмурият ҳаётий мажбуриятларга эга маҳаллий ҳокимият идораларининг мавжудлигини таъминлаши мумкин. Европанинг турли мамлакатларида маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг сақланганлиги ва мустаҳкамланаётганлиги Европани демократия ва ҳокимиятнинг аксилмарказлаштириши тамойиллари асосида ривожлантириш жараёнидаги муҳим ютуқ ҳисобланади;

— бу эса демократик йўл билан шакллантирилган, масъулияти ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўз вазифаларини амалга ошириш учун зарур даражада кенг ваколатларга эга маҳаллий ҳокимият идораларининг мавжуд бўлиши учун шароит яратади.

Маҳаллий даражадаги ҳукуматнинг халққа яқинлиги оддийгина самаралилик масаласи эмас. У демократик ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқидан тезлик билан фойдаланиш имкониятини таъминлайди. Тажрибанинг кўрсатишича, аксилмарказлаштириш сайловлар оралиғидаги даврда сиёсатда кўпроқ сайловчиларнинг иштирок этишига, уларнинг сиёсатга кўпроқ жалб этилишига ёрдам беради. Масалан, кўнгиллилар ташкилотларига аъзо бўлишни, жойлардаги тадбирлар ва бошқа фаолиятда иштирок этишни рағбатлантиради, манфаатлар асосида маҳаллий даражада ташкил этилган бошқа гуруҳларнинг ривожланишига туртки бўлади. Сиёсий ифода этишнинг муқобил воситалари ҳокимиятнинг марказий идоралари томонидан қаттиқ назорат қилинадиган мамлакатларда бундай иштирок бирмунча ривожланмаган. Шу боис, аксилмарказлаштириш фуқаролик жамиятининг кенг ривожланишига катта ҳисса қўшиши ҳамда ижтимоий мулкнинг қайта қурилиши, демократиянинг эса «тўпланиши» учун қулай шароитлар яратиш ва сақлаб туришга ёрдам беради.

Таъкидлаганимиздек, аксилмарказлаштириш шундай усул яратадики, унга кўра жойларда кўрсатилган хизматлар бу хизматлардан фойдаланадиган кишилар назорати ва таъсирида бўлиши мумкин. Тажрибада аниқланишича, аксилмарказлашган ҳолда хизмат кўрсатиш катта масъулият юклайди, маҳаллий эҳтиёжларга кўпроқ мос бўлишга ва хизмат сифатини оширишга ундайди. Лекин бу ҳодиса содир бўлиши учун марказлашмаган институтларни тўла масъулиятли қилиш керак. Шу ўринда иккита долзарб савол туғилади: 1. Ҳокимиятнинг маҳаллий идоралари турли механизмлар воситасида сайланган маҳаллий вакиллар олдида тўла ҳисобот бериш лозим. Лекин бу ҳокимият илгари ҳокимиятнинг марказий идораси таркибига кирган ва ҳокимиятнинг йироқдаги идораларига ҳисобот бериб турган бўлса, бунга эришиш қандай кечади? 2. Турли механизмлар воситасида сайланган вакиллар ҳам ўзларини сайланган фуқаролар олдида ҳисобот беришлари шарт. Аммо айрим аъзоларда демократик сиёсат тажрибаси кам бўлса ёки улар ўзларининг маҳаллий сайловчилар олдидаги янги мажбуриятларини охиригача англаб етмаган бўлишса, бу механизмларни ҳаётга тадбиқ этишда қийинчиликлар туғилмайдими?

Мазкур мулоҳазаларни назардан соқит қилмаган ҳолда Хартия инсоннинг бошқа ҳуқуқларига яқин фундаментал ҳуқуқнинг мавжуд бўлишини назарда тухтади. Бу ҳуқуққа эга бўлган маҳаллий жамоа аъзолари жамоани қандай бошқариш кераклигини ўзлари ҳал қилишлари ва сўнгра маҳаллий ҳамжамиятни шунга мувофиқ бошқаришлари лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ҳукумат демократик қонунчиликка таянади, чунки у маҳаллий жамоаларга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини ифода этиш имконини беради ва миллий мансублик доирасида ноёб жамоа ҳиссиётини туғдиради. Хартиянинг асосий қоидалари аксилмарказлаштиришни қуйидагилардан таркиб топган деб ҳисоблайди:

— сиёсий соҳада — ўз вазифаларини эркин бажариши мумкин бўлган маҳаллий вакилларни тўғридан-тўғри, умумий сайлов йўли билан сайлаш;

— қонунчилик соҳасида — маҳаллий ҳокимият идораларига ўз вазифаларини энг самарали тарзда бажариш ваколатларининг берилиши (бу вазифалар умумий омилкорлик ваколатларидан келиб чиқадими ёки узатилган ваколатлардан келиб чиқадими, бундан қатъий назар);

— маъмурий соҳада — ҳокимиятнинг бошқа тузилмалари томонидан иерархик назоратдан озод бўлиш;

— молиявий соҳада — масъулиятдан келиб чиққан ҳолда маблағларни ва имкониятларни тақсимлаш ҳамда уларни бошқариш;

Албатта, чегарасиз ваколатларнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Маҳаллий даражадаги ҳокимият идораларининг фаолияти ҳокимиятнинг исталган бошқа идорасининг фаолияти каби конституция ва қонун билан чекланган. Ҳар қандай маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларининг кенгайишини тан олиш муқаррар равишда миллий ва маҳаллий даражалар ўртасида масъулият ҳамда имкониятларни тақсимлаш масаласининг кўндаланг бўлишига олиб келади. Маҳаллий даражадаги ҳокимият идораларининг мустақил сайлов базаси маҳаллий ва миллий даражалардаги ҳокимият идоралари ўртасида муҳим сиёсий тафовутлар мавжуд бўлиши эҳтимолини келтириб чиқаради. Бу эса мамлакатда маҳаллий эҳтиёж ва қизиқишлардан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиш ва солиқ солишнинг турли моделлари мавжуд бўлиши мумкинлигини билдиради. Миллий сиёсат ва маъмурий идоралар сиёсий ихтилофлар ва ҳаракатларнинг турфа усуллари шароитида (улар қанчалик ноқулай кўринмасин) яшашга ўрганишлари ва уларни тан олишлари зарур. Ўз-ўзидан маълумки, маҳаллий идоралар ваколатларнинг кенгайиши ҳокимиятни текшириш ва назорат қилишнинг яна бир тармоғини вужудга келтиради. Бунга сайловчилар учун танлов имкониятини анча кенгайтириш йўли билан эришилади. Бунда сайловчи солиқ солиш ва хизматлар билан таъминлаш ўртасида зарур бўлган мувозанатни ва сиёсий устуворликларни аниқлаб олиши мумкин. Бу, шунингдек, сайловчига маҳаллий ва миллий даражаларда ўзининг турлича майлларини ифода этиш имконини беради.

Шундай қилиб, марказлашган авторитар тизимдан ўтишни амалга ошираётган мамлакатларда маҳаллий ҳокимият ҳукуматнинг барқарор ва самарали демократияни таъминлаш ишига муҳим ҳисса қўшмоғи лозим. Бу ўзгаришларнинг асосий ўлчови ҳисобланади. Зеро, маҳаллий ҳукумат фаолияти ҳам демократик «тўпланиш», ҳам демократик «кенгайиш»ни таъминлашга қаратилмоғи зарур. У юқорида таъкидланганидек, умуммиллий ва конституцион талаблар билан мувофиқлаштирилган кучли маҳаллий органларни ривожлантиришга ёрдам бериши;

— жойлардаги фуқаро ва истеъмолчиларнинг фаол, узлуксиз ва тўғридан-тўғри иштирокини енгиллаштириши;

— маҳаллий жамоаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва интилишларига самарали таъсирланиш билан жавоб беришга ёрдамлашиши, қарорлар қабул қилиш, бошқариш, хизматлар билан таъминлаш ва уларни етказиш жараёнининг барча жиҳатлари устидан самарали, сифатли ва адолатли бошқарувни таъминлаши ўтиш даврида мамлакатлар дуч келаётган муҳим вазифалар ва кескин ҳолатларга самарали жавоб кўрсатишга қодир қудратли институтларни барпо этиши зарур.

Хулласи калом, ривожланган ғарб давлатлари тажрибаси ёш давлатларга кўплаб фойдали тарихий сабоқлар беради. Бироқ, ҳеч бир мамлакатнинг моделини ҳар томонлама қулай ва мос, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Илло, ундаги асосий тамойил ва умумий мезонларни амалиётга тадбиқ этишда маҳаллий шароитни ҳисобга олиш зарур. Бу эса мазкур масалага прагматик ёндашувни тақозо этади.

**Рустам ЖУМАЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори, профессор**

# ЧЎЛПОННИНГ «КАПТАР»И

«Тонг сирлари» ... XX асрнинг ажабтовур шоирларидан бири ўзининг учинчи шеърлар тўпламини шундай деб атаган эди. Ушбу тўплам нашр этилганидан бери қарийб етмиш беш йил ўтди. Аммо ҳозир ҳам бу тўпламни варақлар экансиз, ундаги аксар шеърлар нафақат бугунги даврга ҳамоҳанг, балки «тонг сирлари» билан йўғрилган эканига ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Чўлпон ўзбек шеъриятига халқни миллий уйғонишга чорловчи шоир сифатида кириб келган. У дастлабки шеърлари биланоқ ватандошларининг юмуқ кўзларини очишга, уни иқтисодий ночорлик ва ижтимоий тубанлик ҳолатидан олиб чиқишга интилди; уни маърифат ва маданият булоқлари сари етаклаб, миллий тараққиёт хиёбонларига олиб чиқишни орзу қилди. Унинг назарида, буларсиз мустамлака кишанларидан халос бўлиш амримаҳол эди. Худди шу мақсад шоирнинг 20-йилларда ёзган қарийб барча шеърларидан балқиб кўринади.

Шоирнинг ўша йиллари эълон қилган ҳар бир тўпламида шу тўпламнинг моҳиятини очувчи пешсўзлар бор. «Тонг сирлари» тўпламининг пешсўзи бундай сатрлардан иборат:

**Бир эсиб ўтдилар**
**«Уйғониш» еллари,**
**Бир қайнаб тошдилар**
**кўз ёши — «Булоқлар».**
**Ай, тонгда қалтираб**
**ўйнашқон япроқлар,**
**Тек туринг, ёйилсин**
**энди...**
**«Тонг сирлари!»**

Чўлпон «Тонг сирлари», деб нимани назарда тутмоқда?

Шоир бу саволга тўпламнинг «Кўнгил», «Бас энди» сингари дастлабки шеърлари биланоқ жавоб берган. Ўзида «тонг сирлари»ни яширган шеърлар орасида шу вақтгача чўлпоншунослар томонидан тилга олинмаган «Каптар» деган шеър ҳам бор. Шеърнинг иккинчи номи «Семирамис-Семирамида» бўлиб, бу сўзлар сарлавҳадан сўнг қавс ичида берилган.

Антик давр тарихчиларидан бири Гесихийнинг айтишича, «семирамида» юнонча сўз бўлиб, «тоғ каптари» маъносини англатади. Манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Семирамида ёхуд Семирамис — эрамизга қадар IX асрда яшаган Ассирия маликаси Шаммурматнинг юнонлашган номи. Ўз даврида машҳур бўлган бу малика тўғрисида асрлар ўтган сайин кўплаб асотирлар тўқилган. Шундай асотирларга кўра Семирамида-Семирамис муҳаббат ва ишрат маъбудалари Деркето ва Ассартанинг фарзанди бўлиб, кўплаб каналлар ва шаҳарларни, жумладан, Вавилонни барпо этган. Ҳатто жаҳондаги етти мўъжизадан бири — самовий «Семирамида боғлари» ҳам унинг меъморчилик бобидаги ижодига мансуб. Семирамида-Семирамис, асотирларда айтилишича, мардлик ва қаҳрамонлик ишларига ҳам чапдаст бўлган, кўплаб жангларга раҳбарлик қилган, ҳатто эри Нин билан бирга Осиёни забт этиб, Ҳиндистон бўсағаларига қадар борган.

Асотирлар Семирамида-Семирамис отаси Деркето томонидан ташлаб кетилган ва унинг каптарлар томонидан парвариш этилгани ҳақида хабар беради. Гўё каптарлар яқин атрофда яшаган чўпонларнинг сутларини ўғирлаб, ташландиқ қизни боққан эмишлар. Хуллас, шу тарзда улғайган Семирамида-Семирамис дастлаб шоҳ Ниннинг маслаҳатчиси Оннесга турмушга чиққан. У ўткир ақл-заковатга ва мураккаб ҳолатлардан усталик билан чиқиш иқтидорига эга бўлгани учун Ниннинг муҳаббатини қозонган. Унинг гўзаллиги, мардлиги ва ақл-идрокига беш кетган Нин Семирамида-Семирамисни Оннесдан тортиб олган, Ниннинг ўлимидан кейин эса малика Мидия, Ҳабашистон, ҳатто Ҳиндистонга қадар лашкар тортиб борган ва қатор ҳарбий сафарларида ғалабага эришган. Ўлимидан кейин эса каптарга айланиб, кўкка учиб кетган ва шу тарзда маъбудага айланган.

Одатда адабиётшунослар Чўлпон бадиий оламининг кенгайишини шоир ҳаётининг Москва даври (1924-1927) билан боғлайдилар. «Каптар» шеърининг 1922 йил 22 август куни Тошкентда ёзилганлиги факти эса Чўлпоннинг шу йиллардаёқ нафақат мумтоз Шарқ ва замонавий Ғарб, балки антик давр адабиётини ҳам яхши билганлигидан шаҳодат беради. Семирамида-Семирамис шу даврда ўзбек китобхонларига мутлақо нотаниш бўлганлиги учун шоир у ҳақда қуйидаги изоҳни ҳам берган:

«Семирамис — галдонийлар ва оссурийлар хурофотига маъбуда саналиб юрган бир қиз. Бош томони қиз, танаси балиқ бўлган эмиш. Онаси уни туққанидан кейин бир қамишзорга ташлаган. Унда буни каптарлар ўстириб парвариш қилганлар. Шу учун исми «каптар» маъносида Семирамис қўйилган. Қалъалар фатҳ этган, кўп урушлар кўрган, Ҳиндистонга қадар борган бир фотиҳа эмиш.

Мисрда бир парихонга фол очдирган, ўша фол тўғри келиб, охирда сувга тушиб, йўқ бўлиб кетган эмиш. Ўрнига ўғли подшоҳ бўлган. Ўзи кечалари денгизга тушар, кундузлари ҳукм сурар экан.

Бир ривоятда Семирамис турк қизи бўлиб, Эрон подшоҳларидан машҳур Кайхусрав Кирни ўлдирган эмиш».



Чўлпоннинг сўнгги сўзлари Семирамида-Семирамис ҳақида сўз борган манбаларда тасдиқланмайди. Чамаси, шоир «Семирамис»нинг «Тўмарис» сўзига ҳамоҳанглигига асосланган ҳолда улар ўртасида муштараклик кўрган ва қадимда халқимизнинг мустақиллик учун олиб борилган курашларига раҳномалик қилган Тўмарисни муайян мақсадда ақл-заковат, мардлик ва жасорат маъбудаси Семирамида-Семирамисга олиб бориб боғлаган.

«Каптар»ни ўқир эканмиз, шоирнинг 1920 йили ёзган «Бузилган ўлкага» шеъри ёдимизга тушади. Унда ҳам Чўлпон мустамлакачилик кишанлари остида яшаган ватандошларига мурожаат этиб, «Нега сенинг қалин товшинг «Кет!» демайди уларга? Нега сенинг эркли кўнглинг эрк бермайди қўлларга? Нега сенинг танларингда қамчиларнинг кулиши? Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?.. деб фарёд кўтарган эди. Бу шеърда ҳам у Семирамида-Семирамисга мурожаат этиб, «Сенинг каби истагига эга бўлган оналар Нега бугун турмушдаги ҳар тилакдан тоналар?» дея нола қилади. Шеърнинг сўнгида эса афсонавий каптар-қиз образидан истифода этганининг боисини — шеър ғоясини қуйидаги мисраларда бадиий мужассамлаштиради:

**«Мен дунёда хотин бўлиб**
**яратилган эдим-да,**
**Энг қаҳрамон**
**эркаклардек мўъжизалар**
**кўрсатдим!» —**
**Деб ёздирган**
**сўзларингни бўз**
**қирларда кўрдим-да,**
**Тутқун бўлган оналарни**
**қутқармоққа аҳд этдим!»**
**Бу аҳдимга етмак учун**
**сендан кўмак кутармен;**
**Кел, бу йўлда**
**кўмаклашсанг, ҳар**
**тўсиқни ўтамен!**

Шундай қилиб, Чўлпон ўзбек адабиётида биринчи бўлиб антик давр асотирларига мурожаат этди. Ва биринчи бўлиб бу асотирлардаги қаҳрамонлик ва жасорат ғояларидан ўз ватанининг мустақиллиги учун кураш, ватандошларини бу кураш марраларига етаклаш йўлида фойдаланди. Ва биринчи бўлиб туркий халқларнинг мустақиллиги учун курашган Тўмарис билан юнон маъбудаларидан бири ўртасида муштараклик кўрди. Шунинг учун ҳам унинг «Каптар» шеъри узра, Абдулла Қодирий айтмоқчи, «эрк қуёши» нур сочиб туради.

**Наим КАРИМОВ**

ЧЎЛПОН

## КАПТАР

(Семирамис-Семирамида)

**Эй, тенгизнинг сувларидан қудрат олган ботир қиз,**
**Кел, мундаги тутқун қизга ёлборайлик иккимиз!**

**Сен сувларнинг кўпигидан оқ чечаклар терганда,**
**Сен қиличдан илҳом олиб, кунчиқишда юрганда,**
**Сенинг билан бирга чопқон, бирга учғон оналар**
**Нима учун бу тутқунлик оловида ёналар?**

**Сен кундузлар қизғин қуёш ёғдусида ёнаркан,**
**Тонг отқонда танларингдан тенгиз суви томаркан,**
**Кенг талада қушлар каби қанот қоққан оналар**
**Нега ёлғуз оғуларға-заҳарларга қоналар?**

**Сен эркаклар кийимида зўр қалъалар очқонда,**
**Отларингнинг чангларини Синд бўйиға сочқонда,**
**Йўлларингда қон тенгизи қутурганда, тошқонда,**
**Сенинг каби истагига эга бўлғон оналар**
**Нега бугун турмушдаги ҳар тилакдан тоналар?**

**Сен Мисрда гўзал Нилнинг уйқусини бузмасдан,**
**Нимагадир ҳовлиқмасдан, қутурмасдан, қизмасдан,**
**Йўлингдаги жонсиз ютқон чўпларни-да эзмасдан,**
**Қари коҳин маъбадига юрганингда, сезмасдан**
**Кечаларнинг сирларини... Тўлуб ётқон оналар**
**Нима учун тонгға қадар қон-ёш тўкуб қоларлар?**

**«Мен дунёда хотин бўлуб яратилғон эдим-да,**
**Энг қаҳрамон эркаклардек мўъжизалар кўрсатдим!» —**
**Деб ёздирғон сўзларингни бўз қирларда кўрдим-да,**
**Тутқун бўлғон оналарни қутқармоққа аҳд этдим!**
**Бу аҳдимга етмак учун сендан кутамен;**
**Кел, бу йўлда кўмаклашсанг ҳар тўсиқни ўтамен!**
**Ай, тенгизнинг тубларига қочиб кирган каптар қиз,**
**Кел, мундаги оналарни уйғотайлик иккимиз!..**

**1922 йил 22 август**

**Тошкент.**

# ЎТАМИШ ҲОЖИ ТАРИХИ

*Қадим Шарқ манбаалари*

**Давоми. Боши ўтган сонларда.**

Букри Хожа Аҳмади мазкур бу ўғлонларға айдиким: «Кўрдингизму? Бердибекхон ўлубтурур. Ул келган киши хоннинг ўлган хабарин келтирди. Буларнинг бир ош пишим хомуш бўлуб мутаҳаййир бўлғони ул сабабдин эрди. Қора Нўғойни чорлаб олғони ул турур: ани хон кўтарурлар, тақи тонглақи кўрунишда барчамизни қирарлар. Бизнинг ишимиз мушкул бўлди. Букун ахшом бирла бир иш қила олсақ — олдуқ, қила олмасақ тонгла барча ўлумға борғу турурбиз». Чун булар доим синаб эрдилар, мунунг кенгаши ўзга бўлмас эрди. Барчаси айдилар: «Сиз не турлик маслаҳат кўрсангиз, андоғ қилоли». Хожа Аҳмади мазкур айдилар: «Маслаҳат ул турур: Нўғой мундин кеч отланур. Уйининг ёри (ярим) йўлиға етканда тутуб отдин йиқиб мазбут (маҳкам) боғлаб пичоқни бўғзинға қўйиб бу хабарни сўроли. Агар ростин айтиб бизнинг бирла иттифоқ қилур бўлса, биз ҳам ани хон кўтарали. Ва агар ростин айтмаса, анда-ўқ ўлтурали ва текмамиз (ҳар биримиз) бир ёнға қочоли», — теди эрса, барчаси бу сўзни маъқул кўриб, аҳду шарт қилдилар.

Чун намозшом яқин бўлди эрса, Нўғой бек мажлисиндин қайтиб отланди. Бу ўғлонлар ҳам бирга отландилар. Кўрдиларким, кундакидин чеҳраси таври — тариқаси ўзгача бўлуб эрди. Кунда кўрунишдин қайтиб эвга борғунча ўйнай-кула борур эрди. Букун ҳеч кишига сўз-ун қотмай беиттифоқ борур эрди. Эвларининг ёри йўлиға етдилар эрса, қоронғу бўлди. Филҳол жиловлаб отдин йиқиб мазбут боғладилар. Нўғойи мазкур айди: «Меним гуноҳим не турур, мундоғ қила турурсиз?» Хожа Аҳмад айди: «Сендин бир сўз сўрарбиз. Агар ростин айтсанг, бизнинг бирла иттифоқ қилсанг, сени хон кўтарали, тақи аҳду вафо ва шарт қилоли. Сенинг навкарчилигингдин бўйун тўлғамағайбиз. Агар ростин айтмасанг, таҳқиқ билгилки, сени бу ерда ўлтурабиз». Айди: «Не сўрарсиз — сўрунг!» Хожа Аҳмад теди: «Ростин айтғил, ул келган киши не айтди? Ва тақи сени чорлаб бек не айтди?» Айди: «Ул келган киши не айтғонин билмон. Мени чорлаб ҳеч сўз айтмади», — теди эрса, Хожа Аҳмади мазкур айди: «Эй бадбахт, сен айтмасанг, мен айтайин. Ул кишики келди, хоннинг ўлганин айта келди. Тақи сени чорлаб олғилким, қариндошларингни ўлтурали. Агар ўлтурмасанг, улар сендин улуғ турур, сенинг хонлиқингга бўйун сунмасдур». Сен ҳам ул ишка рози бўлдинг. Эмди андоғ қилмағил. Бу кишидин не хўрлиқлар кўрмадик эрди. Сен бизнинг ичимизда хон бўлуб, бизга бош бўлсанг, ани ўлтуруб андин ўчимизни олмоқ осон турур. Менинг бу сўзумни қабул қилғил. Сен хон кўтарали. Кўтариб сенга навкар бўлурға не чоқли аҳду шарт тесанг ичали. Бизнинг ўларимизга сабаб бўлуб, қиёматға тегру ёмон отни бетинга олма!», — теди эрса, ул тақи айди: «Андоғ бўлса, қўлум-оёқимни бўшатинг. Сизга ростин айтайин». Қўл-оёқин бўшатдилар эрса, қўпуб ўлтуруб Хожа Аҳмади мазкурга кўп таҳсинлар қилди. Айди: «Бу сўзларни фаросат бирла айдинг, ҳеч хилофи йўқ турур ва барчаси рост эрди. Эмди сиз мени хонланурға яхши аҳду шарт қилсангиз, маслаҳатингиздин чиқмайин». Булар тақи аҳду шарт қилдилар. Нўғой айди: «Тонглаки кўрунишга борурбиз, ул мени чорлаб олмоқ турур. Андин сўнг сизларни чорлатур. Сизлар эвга киргач, қатиндақи кишилар бирла бўлунг, мен ўзи бирла бўлайин».

Тонгласи кўрунишга бордилар, ул айтқонча Нўғойни чорлаб олдилар. Бир замондир сўнг буларни чорлай киши келди. Булар ҳам яроғланиб келиб эдилар. Барчаси кўнгли (далил?) юриб эшикдин киргач, қўл тебратдилар. Нўғой Тенгизбуғо била тўрда ёнаша ўлтуруб эрди. Филҳол боса олғоч бошин кесдилар. Бўйда (ханжар) бирла санчиб ташқари олиб чиқдилар, тақи чорлатдилар: «Ўзга кишига ўлум йўқ турур. Ерлик ерингиздин тебранмангиз», — тею. Халқ ерлик ерида қарор топқондин сўнг Нўғойни оқ кийизга солиб барча иттифоқ бирла хон қилдилар.



Манқутой ўғли Хизрхон бирла Қора Нўғой иккиси бир ой ичинда хон бўлдилар. Вали Хизрхон Сарой ичинда Сойинхон тахтинда хон бўлди, Қора Нўғой Сир бўйунда сўл (кўл) ичинда хон бўлди. Эмди келдик Хизрхон ҳикоятига. Ул маҳалдаки, Той Туғлибегим Хизрхонни чорлаб элтиб Сарой тахтиндаки хон қилди, Ўзбекхон бирла Жонибекхондин қолғон олтун термани (ўтовни) ўрга (шоҳона ўтов) солди. Айтурлар, бегим сочини қораға бўяди ва хонға тегарга майл қилди. Хоннинг ҳам олурға майли бор эрди. Вали наймандин Кутлуғбуғо отлиғ беги бор эрди, ул рози бўлмади. Айди: «Ул Ўзбекка, Жонибекка ихтиёр бўла келган киши турур. Сен бир тури ўсган киши турурсен. Сендин син (айб?) топар. Олмоғил». Анинг сўзига кириб олмади. Чун бегим олмасин туйди эрса, бурункидин иззату ҳурматни кам қила бошлади. Хон ҳам анга ўжашиб (ўчакишиб) олтун термани бузуб қозоқларинға улашдурур бўлди эрса, эшитиб хонға бегим киши юборди, айди: «Андоғ қилмасунлар. Хон бўлғон кишига олтун-кумуш топилмас нарса дагулдир (эмасдир). Аммо бурунқи яхши кишилар ясағон иморатни бузмасинлар». Анинг сўзига кирмайин бузуб улаштурди. Бегим тақи анга аччиқ қилиб бекларининг ичкисини (яъни ўзига тобе бекларни) йиғиб хонни қувалади. Хон қайтиб яна Оққўлга келди.

Бегими мазкур бир кишини Келдибекдур, теб хон кўтарди. Ўзга беклар анга «ёлғон Келдибек» терлар. Барча халойиқлар айдилар: «Келдибекни Бердибек ўлтуруб эди. Ул нечук тирилди?», — теб эл анга бўйун сунмадилар эрса, Буовул наслидин бўлур эрди, Бозорчи отлиғ, ани хон кўтардилар. Ул маҳалда улуғ беклардин Сижуд Алибек бор эрди. Бу Бозорчиға бўйун сунмас теб бегим ани чорлатиб келтуруб ўлтурди. Алибекнинг Барчин отлиғ ўғли бор эрди. Ул қочиб қўнғирот Ноғодой ўғли Оқ Ҳусайнки, Хоразм вилоятининг ҳокими эрди, Барчин анга еган (жиян) бўлур эрди, анинг қошиға келди эрса, бегимнинг бу ношойиста ҳаракатларидин ҳаросон бўлуб (қўрқувга тушиб) бегимдин ўрой гардон бўлдилар (яъни юз ўгирдилар). Бу аснода Оқ Ҳусайн Хизрхонға элчи юборди, айди: «Ул заифа шайтон йўлиға кириб мунунгтек ҳаракатлар қила турур. Биз — худ андин ўрой-гардон бўлдуқ. Сиз агар бош бўлуб ҳиммат тутсангиз устунга юрурбиз». Ул ҳам аччиғлиғ (адоватли) киши эрди. Оқ Ҳусайн Хоразм лашкарин тамом иттифоқ қилиб Оққўлга бориб, Хизрхони мазкурни хон кўтариб, Сарой вилояти устунга юриди. Сарой устунда уруш бўлди. Бозорчи Тақи бегим қўлға тушдилар. Бегимни бир қоркуям (ёпиқ чана)ға миндуруб, оғзини мазбут қилдилар. Тақи бир амлак (асов) айғир отни екиб (қўшиб) бош солиғға (тўрт томонга) қўя бердилар. Бу амлак от аробани олиб қочиб ёбларға, қочуларға уруб эрди, то бегим ҳалок бўлди. Ўзбеклар Той Туғлибегимни Хизрхон ўлтуруб турур терлар. Кайфияти (тафсилоти) бу турур.

Ани ўлтуруб Хизрхон иккинчи навбатки хон бўлди, бир йил — ярим подшоҳлиқ қилиб эрди. Бурут отлиғ бир ёмон ўғли бор эрди. Отасининг хонлиқиға чидамай ғофилликда ани санчиб ўлтурди ва ўзи хон бўлди. Икки-уч кун кечмай ани ҳам ўлтурдилар. Андин сўнг бузуқлуқ воқеъ бўлди. Ҳар киши бир тарафда бош кўтарди. Сарой шаҳри бузулди. Элнинг кўпи Қирим вилоятига Қиёт Мамай қошиға кетди. Бу сўз мунда тамом бўлди, яна келдук Қора Нўғой ҳикоятига.

Қора Нўғой Сир бўйинда уч йил подшоҳлиқ қилди. Туркистон вилоятлариға ҳукм қилур эрди. Уч йилдин сўнг вафот топди. Иниси Туғли Темур теган хон бўлди. Фахри салотин (султонлар фахри) ҳазрати Дўст Султондақи дафтарда айтиб эрди: Бу Туғли Темур улуғ подшоҳ бўлди, Самарқанду Бухороға ҳукм қилур эрди. Аммо муддати подшоҳлиқи маълум эрмас.

**Ғулом КАРИМ нашрга тайёрлади.**

**Давоми бор**



**— Ҳадемай «Рамазон» айтамиз...**

# САДАҚА МОЛГА ЗАРАР ЕТКАЗМАЙДИ

*Доримий ҳадисларидан*

• Садақа молга зарар етказмайди. Аллоҳ бировга азият бергани учун эмас, афв этгани учун бандасига (яхшиликни) зиёда қилади.

• **Расулуллоҳ (с.а.в.) видоъ ҳажжида кишиларга мурожаат қилиб дедилар: «Мендан кейин кофирликка қайтиб, бир-бирингизнинг бошингизни қирқманг».**

• Кимки Аллоҳга ва қиёмат кунига ишонса, қўшнисини ҳурмат қилади; кимки Аллоҳга ва қиёматга ишонса, меҳмонини иззат қилади. Бир кеча-кундуз (меҳмон қилиш) лозимдир; уч кун бўлса — зиёфат, ундан ўтиб кетса — садақа бўлади.

• **Кимки Аллоҳга ва охират кунига ишонса, қўшнисига яхшилик қилсин; кимки Аллоҳга ва охират кунига ишонса, унга яхши гапирсин, сукут сақласин.**

• Бир кишининг овқати икки кишига етади, икки кишининг овқати тўрт кишига, тўрт кишининг овқати эса саккиз кишига етади.

• **Раҳмонга ибодат қилинг, бир-сирингизга салом беринг ва овқатлантиринг, албатта, жаннатга тушасиз.**

Кимки Аллоҳга ва қиёмат кунига ишонса, дастурхонга ўлтириб, шароб ичмасин.

• **Маст қиладиган ҳар қандай ичимлик ҳаромдир.**

• Ичимликларни ичинглар, лекин маст қиладиганини ичманглар.

**Араб тилидан**
**Исматулла АБДУЛЛАЕВ**
**таржимаси**

Шорасул ЗУННУН

# ТАСАВВУФ ИЛМИ ХУСУСИДА

**Давоми. Боши ўтган сонларда.**

## ВУЖУДИЙ ВА АДАМИЙ УНСУРЛАР

Мутасаввуфлар фикрича, ҳаёт фақат «вужуди мутлақ»қа махсусдир. Коинот унинг тажаллийси соясида вужудга келган. У ҳар нарсада ҳар тарафда мавжуд ҳамда ҳар нарса ундан иборатдир. Усиз бирор моддани тасаввур этиш мумкин эмасдир. У бир қуёш, биз эса ундан айрилган ва яна у билан бирлашадиган зарралардурмиз. У бир денгиздир, биз унинг сийнасидан кўтарилган ва яна у билан қовушадиган тўлқинлармиз. Бутун борлиқ — у ҳаёт жавҳари (Аллоҳ) соясида мавжуддир. Ҳар нарса ундан вужудга келган ва у билан яна бирлашади.

Инсон «вужудий унсур» билан «адамий унсур»дан ҳам мураккабдир. Унда асл унсур «вужудий унсур» бўлиб, ҳаёт фақат у билан қойимдир. «Адамий унсур» эса, фоний ва хаёлий бир шаклдирки, бу инсонда мавжуд бўлган руҳи илоҳий, нури илоҳийларнинг ўзини кўрсата олиши учун восита сифатида вақтинчалик фоний шакл ва сурат — йўқ бўлиб кетадиган бир рангдир. Борлиқ эса фақат «вужудий унсур» соясидагина мавжуддир.

Ҳаётнинг ғояси камол даражасига етган инсоннинг асл манбаи ҳисобланган «лоҳут» оламига эришиб «вужуди мутлақ»қа қовушмоқдан иборат. Аммо «адамий вужуд» нафснинг орзу ва талаблари бунга тўсқинлик қилиб туради. Инсон жавҳари аслида маъсум гуноҳсиздир. Ёмонлик фақат «адамий вужуд» ва нафсга оиддир. Инсон зоҳирий шаклни бутунлай тугатмай туриб, камол даражасига кўтарилмайди, Ҳаққи восил бўла олмайди. У ўз нафсига ҳоким бўлиб, нафснинг ғурур ва иродасини битириши, «адамий вужуд»ни йўқ қилиши учун энг биринчи восита ишқдир. Чунки, «вужуди мутлақ» айни замонда «ҳусни мутлақ» ва «ишқи мутлақ» ҳамдир. Коинотда турли шаклларда тажалий этиб, руҳимизни жилолантирган барча гўзалликлар унга оид бўлиб, ҳақиқий ишқ соясида «вужуди мутлақ» билан «ишқи мутлақ» иккиси қоришиб кетади. Бунга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш жоиз:

**Ишқдир ҳарна ворса**
**оламда,**
**Илм бир «Қийл»у «Қол»**
**эмиш онжоқ.**
**(Фузулий)**

**«Ломакон»нинг шаҳрида**
**ошиқни шайдо қилди**
**ишқ,**
**Анбиёю авлиёларни**
**ҳувайдо қилди ишқ.**
**(Машраб)**

**Юз қуёшдан келди**
**афзун, зарраи атвори**
**ишқ,**
**Етти гардун қоматин**
**ҳам айлагандир бори**
**ишқ**
**(Юсуф Сарёмий)**

Бундай ишққа эришмоқ учун «фано филлоҳ» бўлмоқ лозим. Инсон адамий унсурни бутунлай унутиб, ҳар нарсада фақат Аллоҳни кўриши, уни севиши, ҳуснига маст бўлиб лол қолиши, ишқи билан куйиб-ёниб у билан қовушмоғи керак, камол даражаси буни тақозо этади. Бу олий камолга етганлар тамоман. Ҳаққа восил бўлганлар демакдир.

**Қул Хожа Аҳмад нафс**
**тоғидан чиқиб ошди**
**«Фано Филлоҳ»**
**мақомига ёвуқлашди.**
**(Аҳмад Яссавий)**

Шундай қилиб, «адамий унсур» маҳв бўлганидан кейин инсон асл жавҳари эътибори билан бутун коинотни ўраб оладиган бир қувватга ноил бўлади. У энди ҳеч бир нарса унинг кўзи олдида қоча олмайдиган бир куллиётга айланади. Камолга етишган Мансур Халложнинг «Аналҳақ» дейиши ҳам бу кайфиятдан бўлган. «Аналҳақ» — мен ҳақман деган маънони англатади. Қозию муллолар ундан «Ҳувал Ҳақ», яъни Аллоҳ — ҳақ дейишни талаб қилдилар. Аммо, у Аллоҳ — куллиёт, у ҳар нарсада кўринади, деди. Шундан кейин уни қатл этдилар.

Сўфийларча илоҳий ишқ соясида инсоннинг қалб кўзи очилади, бутун нарсалар унинг кўз олдидан кўтарилиб, табиат ва коинотнинг барча сирларидан воқиф бўлади. Энди у ҳар нарсада зоҳирни, ботинни, сувратни эмас, маънони кўради. Боиси сувbooрат кўзи бошқа, маъно кўзи бошқадир.

**Мансурдек авлиёни**
**Куйдилар дорга осиб.**
**Билмадилар муллолар**
**«Аналҳақ»нинг маъносин,**
**«Қол» аҳлиға «ҳол» илмин**
**Ҳақ кўрмади муносиб.**
**(Аҳмад Яссавий)**

Сўфийлар ўзларини «аҳли ботин», яъни «аҳли ҳол», мулла ва зоҳидларни эса «аҳли зоҳир», яъни «аҳли қол» деб атайдилар.

**Оқил эрсанг «қол»**
**ишидан қол, қол,**
**«Қол» ишида бўлмас**
**ишинг ҳол, ҳол.**
**(Шамсуддин**
**ЎЗГАНДИЙ)**

Камол даражасига етган ҳақиқатпарастлар ҳар нарсада «мағиз»ни, яъни «вужудий унсур» ва маънони кўрадилар, зоҳир ва сурат улар кўзларидан узоқлашади. Жоҳиллар ва зоҳидлар эса фақат пўстлоқни — сурват ва зоҳирни кўра оладилар, холос.

**Мо зи Қуръон мағзиро**
**бардоштим**
**Қишриро бар қишриён**
**бигузоштим.**
**(Жалолиддин Румий)**

Маъноси: Биз Қуръоннинг мағзини оламиз, пўстлоғини эса пўстлоқсеварларга (муллаларга) ташлаймиз.

«Аҳли ботин», яъни «ҳол» аҳли Қўръонни ўз фикр, маслакларига мувофиқ тафсир этиб, ҳатто Муҳаммад пайғамбарни ҳам «аҳли ботин» мутасаввуф эканини исботлашга уринадилар.

Қизиғи шундаки, сўфийларда «адамий унсур»ни маҳв этиб, Аллоҳга етишмоқ учун биринчи восита ишқ бўлса, иккинчи даража кўзатиш ва татбиқи лозим бўлган нарса, — озроқ ейиш, кам гапириш, ибодат, риёзат, яъни бир пир муршиднинг тарбиясида бўлишлик. Мана шунга кўра муридлар бир пирнинг этагини ушлаб, унга хизмат қиладилар — пирга қўл берадилар.

**Улв ҳиммат йигитларга**
**керак пийр,**
**Камонсиз учмагай кўп**
**бўлса ҳам тийр.**

**Соғалтар телбани пири**
**забардаст,**
**Куюннинг сўришин**
**дарё қилур паст,**
**Пиринг фармонидан**
**қилсанг тахаллуф,**
**Таассуфдир,**
**таассуфдир, таассуф!**
**(Сўфи ОЛЛАЁР)**

Сўфийлик диний моҳиятда башарий бир ғояни олға суради. Улар фикрича, бутун динлар ва инсонлар тамоман бир ғоя ва бирликдан иборат.

**Куфру династ гуфтугу,**
**варна**
**Айн тасбийҳ, айн**
**зуннорам**
**(Бедил)**

Маъноси: кофирлик ва мусулмонлик ғавғоси қуруқ валдирашдан иборат. Биз тасбиҳнинг ҳам, зуннорнинг ҳам ўзимиз. Бу сатрларнинг изоҳи шуки, илгари баъзи мусулмон мамлакатларидаги бошқа динга мансуб кишилар, хусусан яҳудийлар белги сифатида белларига «зуннор» деб аталган белбоқни боғлаб юришга мажбур эдилар.

Шунингдек, «ман» ва «сан» таъбирлари сувратга (ташқи кўринишга) «адамий унсур»га хитобдир. Аслини олганда, «вужудий унсур» эътибори билан инсонлар бир хил, бир-биридан фарқли эмасдирлар.

**Бани одам аъзойи**
**якдигаранд**
**Ки дар офаринеш зи**
**як жавҳаранд.**
**(Шайх Саъдий)**

Маъноси: одам болалари бир-бирларининг аъзоларидирлар, улар яратилишда биттагина жавҳардан вужудга келганлар.

Шундай қилиб, вужудий ва адамий унсурлар ботиний ва зоҳирий жиҳатдан бир-бирларидан тубдан фарқ қиларкан.

**Давоми бор**

# МУҚАДДАС ЎЧОҚ ТАФТИ

***Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтида «Миллий анъана ва урф-одатларнинг шаклланишида ва жамиятда аёлларнинг роли» мавзусида республика илмий-назарий ва илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Республика Маданият ишлари вазирлиги, Тошкент Давлат маданият олий илмгоҳи ва Тошкент Давлат юридик олий илмгоҳи ҳузуридаги ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази томонидан уюштирилган бу тадбир иштирокчиларини суҳбатга чорладик:***

**АБДУХАЛИЛ МАВРУЛОВ, маънавият-маърифат ишлари бўйича ректор ўринбосари:**

— Аёлни безайдиган хислатлар мулойимлик, фаросат, мулоҳазалилик, маърифатлиликдир. Француз файласуфларининг фикрича, «ҳокимият, лавозим, мансаб эркакларни бузади, бироқ аёлларга кўрк беради». Аёл оилада ва жамиятда ҳам ўз ўрнига, салоҳиятига эгадир. Шунинг учун ҳам аёлларимизнинг ҳар соҳада фаоллиги мени қувонтиради.

**МУҲАББАТ БОБОЖОНОВА, Адлия вазирлиги ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази бўлими бошлиғи.**

— 1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилиниши марказимиз фаолиятига яна бир тиниқ нафаслар олиб кирди. Марказ ва унинг вилоятлардаги бўлимлари давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда «Аёл ва ҳуқуқ», «Аёл ва қонун», «Аёл ва жамият», Аёл ва маънавият», «Аёл, оила ва ҳуқуқ», «Оила ва қонун» мавзуларида илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказилмоқда.

**МУАТТАР СОДИҚОВА, Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари.**

— Оилаларнинг ҳар хил сабабларга кўра бузилиб кетиши бизнинг оғриқ жойимиз ва улар билан тарғибот ишлари олиб боришда маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда иш ташкил этганмиз. Оила муқаддас бир ўчоқдир, уни асраб-авайлаш теварак-атрофдагиларга, айниқса, фаолларга ҳам боғлиқдир.

Менинг назаримда, оила бузилса, бир бўшлиқ пайдо бўлади ва бу бўшлиқ маҳалланинг, жамиятнинг ожиз нуқтасига айланади. Аёлнинг ҳам, жамиятнинг ҳам бирдай суянчи оиладир. Бундай тадбирлар эса Аёлга, оилага эъзоз ҳиссини уйғотади.

**Мухтасар КАРИМОВА**
**ёзиб олди**

*Ёдимиз лавҳалари*



# ИХЛОС

Одамшавандалик — илм эмас, инсоний фазилат. Агар у илм бўлганида Шуҳрат Қосимов аллақачон шу фанлар доктори, профессор бўлар эди. Мен Шуҳрат акани эслаганда шундай хаёлларга бериламан ва бу инсонда сарф бўлмаган улкан имкониятлар яшириниб ётганлигини, бевақт ажал ана шу ушалмаган армонларни олиб кетганини ўйлайман.

Шуҳрат Қосимов деганда кўз олдимда бир неча йиллар «Хат ва ҳаёт» телекўрсатувининг бошловчиси, «Тошкент бинокори» рўзномаси бош муҳаррири сиймоси гавдаланади. Ш. Қосимовнинг матбуотда куюнчаклик билан чиқишлари ва кўрсатув жараёнидаги жонбозликлари, халқ учун қайишгани, ҳақиқат ва адолатни барча нарсадан устун қўйгани ҳамда ҳеч нарсадан тап тортмагани эл хотирасида қолган.

Ш. Қосимов «Тилимиз равон ва мусаффо бўлсин» сарлавҳали мақоласида баъзи журналистларнинг сўз қўллашда ғализликларга йўл қўяётганлигини ўринли танқид қилганди: «Гоҳо кичкинагина бир хабарга шундай катта адабий сўзларни ишлатиб юборамизки, натижада у шоҳи кўйлакка солинган бўз ямоқдек туртиб чиқиб қолади. Чунончи: «Меҳнат симфонияси», «Жавлон уриб», «Фидокорлик намуналарини кўрсатиб», «Шараф билан бажариб» каби сўзлар чиройли, образли бўлса ҳам уларнинг ўз жойи бор. Баъзан иш шу даражага бориб етмоқдаки, кўмирни «қора олтин», маккажўхори донини «қаҳрабо дон», бедани «яшил олтин» дегувчилар ҳам бўлмоқда. Менинг қўлимга тушган бир мақолада тамаки баргини кимдир «кўк олтин» деб таърифлашгача бориб етган».

Ушбу фикрлардан кўриняптики, тилга эътиборни кучайтириш, унинг равон ва мусаффо бўлиши учун ҳар бир журналист, ҳар бир киши курашиши лозим.

Шуҳрат Қосимов 1930 йилда Тошкентда туғилди. Сўзга чечанлик, ҳар нарсага қизиқувчанлик мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ намоён бўлган эди. Ўзи ҳам назмга ихлосли, ҳам шеърларни мақомига етказиб ифодали ўқирди.

Ш. Қосимов республика матбуотида, радио ва телевидениеда юзлаб долзарб масалаларни кўтарди, ўнга яқин оммавий-сиёсий мавзуларда китоблар ёзиб, чоп эттирди. Бу китоблар чуқур илмий асосда ёзилгани учун тарих фанлари номзоди деган илмий даражани олишга муяссар бўлди. «Бахт калити», «Ҳиммат», «Касбим — фахрим» китоблари «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилиб, элга манзур бўлди. Бундан ташқари, ҳикоялар, ҳажвиялар ҳам ёзди.

Шуҳрат ака 67 йиллик мазмунли умрида кўп эзгуликлар қилиб улгурди, ўзидан яхши ном қолдирди. Жуда кўп одамларга яхшилик қилиб, улар мушкулини осон қилди, одамлар қалбига яхшилик уруғини экди. Шоир Музаффар Туробов «Рисоладаги одам» номли шеърини Шуҳрат Қосимовга бағишлаган:

**Дўстин қайғусини**
**эшитса ногоҳ,**
**Қанот боғлаб**
**учар унинг**
**қошига,**
**Қалбан бўлиб**
**дардкаш,**
**ҳолидан огоҳ,**
**Нажот чоғлаб**
**учар унинг**
**қошига.**

Шуҳрат аканинг кенжа ўғли Дилшоджон ва келини Муқаддасхон ҳам ота касбини тутдилар. Таниқли журналист, сиёсий шарҳловчи, тарих фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шуҳрат Қосимов 30 йилдан зиёд ижодий фаолияти билан журналистика соҳасида из қолдирди. У ёққан эзгулик чироқлари сўнмайди.

**Ҳикмат САМАДОВ**

# БИТИКЛАР

*(Чўпий бисотидан)*

## БИТИК-4

**Бу дунёда ҳеч киши**
**Кўнглидан ўт олмасин.**
**Ва ё ёнганлар тараф**
**Айрилиқ ўтолмасин.**

**Магар кўнгил мулкига**
**Худо уриб ўт кетса.**
**Қўйиб бор овозини**
**Фиғону фарёд этса.**

**Бир иложи бор, қилсун,**
**Ҳеч қаери бўлмас кам —**
**Ёниб ёр оёғига**
**Ёпишсин ўтдай маҳкам!**

**Кўнглингни эгасига**
**Жонингни топшир, қутул.**
**Ўтларга еийлгунча**
**Еса ер, ёрга ютул.**

**Учи йўқ оташларга**
**Ўралашиб юргунча.**
**Ёрига ўралашсун,**
**Айрилмасун ўлгунча.**

**Танидан қайғу эриб,**
**Ўзин четга олур ғам.**
**Шу лаҳзада ўчадур**
**Ўти ҳам, овози ҳам.**

**Майли, чўлми-саҳроми,**
**Юрса ёр билан юрсин.**
**Турли офат кўргунча**
**Гул жамолини кўрсин.**

**Дунёга қалқон ишқдур,**
**Айриликқа қалқон — ёр.**
**Жонинг қўйиб бўлса ҳам**
**Ўйланмай қошига бор.**

**Ишқдан оғир касал йўқ,**
**Шифоси нозик, қилдай.**
**Хамирдан суғурсанг бас,**
**Яшнаб кетарсан гулдай.**

**Бу дардга мубталолар**
**Мубталосини топсун.**
**Ўт устига қалашмай**
**Дўзах эшигин ёпсун.**

**...О, бу сўзлар бир хаёл,**
**Сену мендан йироқдир.**
**Ҳар иш айтишга осон,**
**Ишим битмас фироқдир.**

**Хом хаёлга ўт ўтмас,**
**Жон қоврилиб пишса ҳам.**
**Кўнгил кўкдан тушмайдур,**
**Танам ерга тушса ҳам.**

**Ҳеч курса алдаб турсам,**
**Таскин бўларму дейман.**
**Ўз-ўзимга алданиб**
**Токайгача панд ейман.**

**Хаёл кўкда, бош ерда —**
**Қисматга кўнарманму**
**То ўлгунча ўзимни**
**Алдаб кун кўрарманму?!**

**Ишқимнинг чорасини**
**Айтсун йўлини билган.**
**Ҳамма дўзах ланг очиқ,**
**Ёр тараф йўл бекилган.**

**Қошингга боролмасман,**
**Шум тақдир йўлатмайдур.**
**Ё сени ўтдай қилиб**
**Қўйнимга қулатмайдур.**

**Ҳижрон қўлига ўтмиш**
**Ҳаётимнинг ҳар они.**
**Қон битиклар тўплами**
**Шўр қисматим девони.**

**Айрилиқ ариқлари**
**Пешонамни тарк этмас.**
**Бахтим очилмоғига**
**Эвоҳ ҳеч кўзим етмас.**

**Бу дунёнинг дўзахи**
**Ишқдур, тушдим ёронлар.**
**Чидаб бўлмаслигини**
**Айтинг, бир тушган жонлар!**

**Маним ҳолимни фақат**
**Йўлиққанлар биладур.**
**Бир жойга тушгандан сўнг**
**Ўт ўтлигин қиладур.**

**Дейдилар, чин ошиқлар**
**Бир-бирига етишмас.**
**Нечун бу кўргиликнинг**
**Сабабини айтишмас?**

**Ишқ деган Азройилга**
**Қилур мудом ошнолик.**
**Ундан кўрмаган ҳеч ким**
**Ўлмай туриб рўшнолик.**

**Етса нима, осмоннинг**
**Устуни қўзғаларму?**
**Дунёнинг ғилдираги**
**Юришни қизғанарму.**

**Юрак чангалламасдан**
**Хаёл гўшаларида.**
**Қўл ушлашиб ўтсалар**
**Ҳаёт кўчаларида,**

**Тўйсалар дийдорига**
**Дарёда сув қурирму?**
**Ўтиришса ёнма-ён,**
**Охирзамон турурму?**

**Бу бахт наҳот фалакни**
**Ортига юргизадур.**
**Кимнинг оёқ-қўлига**
**Зирапча киргизадур?**

**Бир жўяли жавоб йўқ,**
**Кимга ёқмас ушбу ҳол?**
**У дунёми, бу дунё —**
**Қайси тарафга малол?!**

**Ҳайронман, эй худойим,**
**Икки қўлим ёқамда.**
**Нечун умрлик фироқ**
**Чекдинг экан рақамда.**

**Ҳар балога рўбарў,**
**Турли офатга нишон.**
**Еру кўк ўртасида**
**Ошиқ турадур, ишон.**

**Ишқ ишини тўхтатмай**
**Сабримни юпқалайдур.**
**«Ё дўзах, ё жаннат» деб**
**Ичимни ўт талайдур.**

**Юрагим хуни бирён,**
**Жон юки елкасида.**
**Ундан жафокаши йўқ**
**Ошиқлик ўлкасида.**

**Билмадим, не боисдан**
**Шу бир парча гўшт ҳалак,**
**Ошиқлар ўти билан**
**Айлангандай чархпалак.**

**Ёқувмидинг, ё раббим,**
**Дунёни эритсин деб.**
**Манглайига ёр битмай,**
**Шўр битиклар битсин деб.**

**Эриб оқур не байтлар**
**Эримайдур тош қисмат.**
**Пешоналар устида**
**Ўт ўйинга бош қисмат.**

**Бу бир ҳолимдан чўпчак,**
**Дард ичдадур, ёронлар.**
**Ўтдай қалашиб ётар**
**Битилмаган девонлар.**

**Оҳ Чўпий, эл қатори**
**Чўпдай ҳам бўлолмайсан.**
**Маъшуқсиз яшаб бўлмас,**
**Ажалсиз ўлолмайсан!**

**УЗРО**

# ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Тошкент Архитектура-қурилиш институтида профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг севимли ёзувчимиз Тоҳир Малик билан учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқотда таниқли ёзувчи тилимиз муаммолари, маънавиятнинг теран томирлари ва ёшларимизнинг ватан, халқ олдидаги масъуллиги ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Шунингдек, суҳбат давомида «Шайтанат» романи қизиқарли мунозарага сабаб бўлди. Ёзувчи билан мулоқот барчада унутилмас таассурот қолдирди. Қизиқарли мулоқотга ҳамоҳанг тарзда ташкил этилган мусаввира Гулнора Раҳмоннинг ижодий кўргазмаси ўзининг жозибадорлиги, ранг-баранглиги ва мазмун-моҳияти билан мухлислар эътиборини қозонди.

*Турмуш саҳналари*

# БОЙ БЎЛИШ «СИР»ЛАРИ

*Ёхуд саҳнабоп замонавий «драма»*

Ҳовли ўртасидаги гулзор атрофига ўрнатилган суянчиқли ўриндиқлар шаҳарнинг ҳашаматли боғини эслатади. Кенг ҳовлининг чор-атрофи кўркам бинолар билан ўралган. Ўймакорлик санъатининг ноёб намуналари акс эттирилган пештоқлардаги хориж бўёғининг товланиши кўзни олади.

Бу ҳовлини сўраб-суриштириб топиб келган ўрта яшар аёл ийманибгина очиқ эшикдан мўралади ва оҳиста уни тақиллатди. Бошдан-оёқ ялтир-юлтурга бурканган ёшгина жувон «Шу ерни ҳам топиб келдингми?» дегандай, норози қиёфада афтини бужмайтириб, савол назари билан аёлга қаради.

— «Дом»га боравериб-бораверив, тинкам қуриди. Бу ҳовлингизни сўраб-суриштириб зўрға топиб келдим.

— Қилар ишингиз сўраб-суриштириш экан-да. Ўқитувчидан терговчи чиқдими дейман.

— Нима қилай, суриштирмай иложим қанча? Бор-будимни олиб қўйиб, кўзга кўринмас занжир билан ўзингизга боғлаб олгансиз-ку! «Мол аччиғи-жон аччиғи» деб, югуриб юрибман-да. «Қўл билан бериб оёқ билан югурасан» деганлари шу бўлса керак-да!

— Бай-бай, бунча бидирлайсиз? Оласиз-да ўша пулингизни. Еб кетамиз деганимиз йўқ-ку!

— Олти ойлаб бермай юрганинглар етмагандай, ҳали еб ҳам кетмоқчимисизлар?!

— Бизникини еб кетаётганлар қанча! Ўтган сафар кўрсатдим-ку, қанчалаб тилхатларни. Ана ўшалар ҳалиям беришгани йўқ.

— Ахир улар билан менинг ишим нима? Тиллафурушларингиз билан ўзингиз ҳисоблашиб оласиз. Ахир тушунинг, биз ҳам зарилчиликдан қистаяпмиз! Наҳотки, ўзимизнинг пулимиз бўла туриб, ўзимизга асқотмаса! Қанақа одамсизлар ўзи!?

— Қанақа одам эканимизни кўриб турибсиз, сиздан тузукроқ одаммиз! Ким бойишни хоҳламайди!? Сиз ҳам фойда кўрай деб олиб қўймоқчи бўлгансиз.

— Мен пулимнинг қадрини сақлаш учун олганман.

Шу вақт дарвоза тақиллаб, эркак кишининг «Даврон ака», деб чақирган овози келди. Бунга жувон «Йўқ эди уйда», деб жавоб берди.

— Қачон келсам, йўқ, дейсиз, ўзи уйда бўладими у киши?!

Шу пайт аламига чидолмаган аёл ниҳоят дардини ёрди:

— Бу ҳаромилар одамларни лақма деб ўйлашади шекилли!

Аёлнинг гапи оғзида қолди. Эшик зарб билан ёпилди-да, жувон аёлни бор кучи билан судраб, уй ичига итариб киргизди. Эшикни зичлаб ёпиб:

— Ҳайвон, нега ундай дейсан? Мижозларимизни нега совутасан? — деди-да қўққисдан аёлга ташланди. Қўрқиб кетган аёл ўзини ҳимоя қилишга уринарди. Онасининг бунақа даҳанаки жангларини кўраверив кўникиб кетган, юзлари синиққан саккиз ёшлар чамасидаги бола унинг важоҳатига парво ҳам қилмай, ўйинчоғини ўйнаб ўтирар эди. Иккала аёлнинг юзидаги тирноқ излари жароҳатидан қон чиқа бошлади.

— Энди кўрасан, мендан бир сўм ҳам олиб бўпсан!

— Ҳали шунақами? Оларда кирар жоним, берарда чиқар жониммми?

— Э, берган пулингни неча марта оласан! Олдинг-ку, яна келаверасанми? Устама фоизгача олиб бўлдинг-ку!

Қўлларини тиззаларига уриб, кўзлари косасидан чиққудай қўрқинчли бир важоҳатда бақираётган аёл атрофга жар сола бошлади.

— Ҳой, ноинсоф, имонингни ютма! Беш боламдан орттириб, қариганимизда бир кунимизга кор келар деган ишонганимиз шу. Шунча бойлигинг ичида уни ҳам сингдириб юборишдан уялмайсанми?!

— Бировнинг уйига келиб бетини юлгани сен уялмайсану мен уялайми? Ким айтади сени ўқитувчи деб?

— Ахир ўзинг биринчи бўлиб ташландинг-ку!

— Шунча йил яшаб, одамнинг яхши ёмонини ажрата оламан, деб юрар эдим, энди билсам, ҳеч нарсани билмас эканман. Сен аёл эмас, иблис экансан. Шу пул сенга буюрмасин! Ҳар не бўлса, Оллоҳга солдим!

Аёл эшикни ёпиб, йиғлаганча чиқиб кетди.

P.S. Ҳурматли ўқувчи! Бу «томоша» ҳозир ҳеч ҳам янгилик ёки ажабланарли воқеа эмас. Уни ҳар куни бўлмаса ҳам кўриб, эшитиб турибмиз. Бу «ҳодиса»ни чоп этишдан мақсад сизни мунозарага тортиш, бозор ва инсон, давр ва иймон-эътиқод каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашишдир. Ўйлаймизки, бу муаммолар сизни бефарқ қолдирмайди.

**Ойимчахон БЕКМИРЗА қизи**

# ЗАМИННИНГ РАНГИН ЗАРВАРАҚЛАРИ

*Мусаввир ва тасаввур*





Шундай рассомлар бўладики, табиатан камсуқум, ўзини кўпам тарғибот-ташвиқот қилишга шошилмайдилар, асарларини шошма-шошарлик билан томошабин ҳукмига тақдим этмайдилар, ўзларини «вақт ва макон» тушунчасига қарши қўйиб, тинчгина ижод қилишади.

Абдуқодир Юсупов ана шундай рассомлар сирасига киради. Унинг ижодини кузатган киши рассомнинг қайси жанрда устун эканлигини бирданига пайқаши қийин: чунки у портретда ҳам, манзарада ҳам, мураккаб, кўп сиймоли картинада ҳам берилиб ишлайди. Тўғри, унинг дастлабки ижодий йўлида портретлар асосий ўринни эгаллайди. Хусусан, «Усмон Азим портрети» кенг кўламда мушоҳадага бой, айни пайтда ҳис-туйғулари шиддатли шоир тимсолини, қиёфасини акс эттирган. Сиртдан қараганда, шоир қиёфаси вазмин, осойишта кўринади, аммо нигоҳларида, гавда ҳолатида жиндай асабийлик, жиндай улуғворлик, жиндай мулойимлик мужассам. Шоир халқининг бу тарздаги ҳолати табиий хусусиятлардан эканлигини ҳисобга олсак, рассом ўз қаҳрамонига нисбатан жуда синчковлик билан муносабатда бўлганлигини англаймиз.

Рассомнинг миллий мавзудаги «Кампир ва невара» асари ҳам диққатга сазовор. Унда кампир ҳаётнинг оғир йўлини босиб ўтган, аммо дунёга умид билан боқувчи инсон сифатида тасвир этилган. Биз буни келин ва унинг қўлидаги чақалоққа тикилган маъсум нигоҳларидан англаймиз. Кампирнинг сиймоси катта маҳорат билан чизилганлиги ҳар бир чизги, ҳар бир кичик унсурларда ҳам сезилиб туради. Келинчак тимсоли ҳам тоза, ёрқин рангларда чизилган, биз ранглар жилвасида унинг серташвиш, аммо қувончбахш оламини ҳис қиламиз. Ҳар бир асар ҳамиша ҳам тўлақонли чиқавермайди, бизнинг назаримизда чақалоқ сиймоси чизмаси бироз заиф кўринади. Бу табиий, албатта. Тасвирий санъат оламида чизилиши энг қийин бўлган муаммо — бу болалар, гўдаклар қиёфасини, ҳолатини яратишдир. Чунки улардаги серҳаракатлик, бир жойда ўтира олмаслиги рассом кузатишларига халақит беради. Шу боис болалар тимсоллари машҳур рассомлар ижодида ҳам катта маҳорат, узоқ изланишлар эвазига яратилган.

А. Юсупов ижодида яна бир хусусият киши эътиборини тортади — у бир қатор асарларини ҳаётий лавҳалар, кузатишлар, табиий борлиқдан олиб ишлайди, айрим ишлари эса Шарқ афсоналари ва эртакларини эслатувчи хаёлий сюжетлар асосида яратилган.

Реал тасвирларга мансуб асарлари кўпроқ портретлар, манзаралар мажмуасини ташкил этади.

Рассом кўп йиллардан буён Бурчмулла, Чорвоқ, Хумсон ва Оқтош томонларга ижодий сафар қилади. Бундай ижодий сафарлар натижасида яратилган манзаралар кўлами кенглиги билан киши диққатини тортади. Биз бу кенг кўламни табиатнинг турли фаолларидаги жилоланишларида, айни пайтда улардаги ранглар ва шакллар ўйинида, руҳий қалб эҳтиросларида кўрамиз.

Абдуқодир Юсупов ижодидаги руҳий макон кўламига эътибор қилсак, унинг нақадар ранго-ранг эканлиги намоён бўлади. Унинг бу изланишларида болалик дунёсини («Болалик дунёси»), оналик нафосатини («Аёл портрети»), Шарқ тимсолларини, афсоналарини ўзида мужассам этувчи талқинларни («Шоҳ ва дарвеш», «Лайли ва Мажнун», «Севишганлар», «Қиз ва қария»), замон ва давр фожеаларини («Қочқинлар», «Ҳисор фожеаси») кўриш мумкин. Рассомнинг аёллар портретларини яратишга интилишлари шунчаки қиёфаларнинг аниқ ижросидан иборат эмас, балки уларнинг воқеаларга, ҳаётга муносабати ранглар ва шакллар тилида ифода этилади. Айтайлик, аёл («Ўғилни кузатиш») аскарликка кетган ўғлини эслаб турибди, деворда ўғли бир тишлаб кетган нон осилган. Бу анъананинг миллий замини ва аёлнинг руҳий ҳолати асарнинг йўналишидаги мазмунни ташкил этади. «Яйра Абдуллаева портрети»да эса театр ҳаётининг ўзига хос қирралари, образлар талқинидаги изланишлар, санъатнинг мураккаб йўли таниқли актрисанинг нигоҳлари ва фондаги турли либослар мажмуасидан англанади.

Шуни қайд этиш лозимки, А. Юсупов портрет жанрида баракали ижод қилибгина қолмай, бу соҳада ўзига хос ютуқларга эришган рассом сифатида ҳам ўзини намоён қилди. «Она портрети», «Латвия элчиси» сингари портретларни бадиий ижод изланишларидаги ютуқлардан дейиш мумкин.

Рассом замон эврилишларини, ҳаётдаги силкинишлар ва ўзгаришларни бевосита тасвирлашга интилмайди, унинг учун ҳолатлар ва ранглар ўйинидан келиб чиқадиган оҳанглар муҳим. «Занжирланган ҳўкиз» сурати 90-йиллардаги сиёсий-ижтимоий ҳаракатларнинг ўзига хос кўринишини мажозий услубда кўрсатиб беради.



Рассомнинг фикрича, ижодкор ҳар бир давр ва муҳитни ўзига хос қабул қилади, уни ифодалашда турлича ёндашади. А. Юсупов баъзи пайтларда кўплаб буюртма портретлар ишлаганлигини таъкидлайди. Фантазияга асосланиб асарлар ёзиш яхши, аммо аниқ кишилар сувратини бевосита, юзма-юз туриб ишлаш, маълум бир қонуниятларга бўйсуниб, уларнинг ижросини таъминлаш ўта мураккаб жараён. Рембрандт, Микеланжело, Леонардо да Винчи сингари даҳо рассомлар ҳам буюртма бўйича кўплаб асарлар ишлашган, уларга ижодий ёндашувнинг ўзи кифоя қилмаган. Аниқ кишилар тасвирида қиёфа ва сийрат, ички дунё кечинмаларини зоҳир этишда ҳозирги замон рассоми кўпам бўй бермайди, бу жараённинг оғир синовларини зиммасига олишни истамайди. А. Юсупов бундай меҳнатдан қочмай, замондошларимизнинг кўплаб суратларини ишлади. Тўғри, у ҳар хил жанрларда ишлайди. Хусусан, унинг «Беҳили натюрморт»и ёки «Кузнинг сўнгги куни» манзараси рассомнинг бу жанрларда ҳам ажойиб асарлар ярата олиш қобилиятини намоён этиб турибди.

Сўнгги пайтларда рассомларимиз авангарднинг турли хил оқимларида ижод қилишга берилиб кетишди. Бу табиий ҳол. Чунки тасвирий санъатимизда ягона бўлган реалистик санъатдан анча-мунча ижодкорлар мафкура туфайли безиб ҳам қолишган эди. Аммо бу изланишлар ҳали ҳақиқий авангард тамойилларини ўзлаштиришнинг тўла самараларини бераяпти деб бўлмайди. Тўғри, баъзи бир рассомларда бу жараён ўзига хос тарзда кечмоқда, уларнинг табиатидаги соғлом ифодавий кўра олиш имкониятлари намоёнки, худди мана шу хусусиятлар улар ижодида табиий акс этмоқда. Ана шу нуқтаи назардан А. Юсупов замондош рассомлар — Ғофир Қодиров, Нодир Имомов, Баҳодир Жалоловнинг авангард изланишларини қўллаб-қувватлайди. «Ҳаётнинг ўзида реал, авангард — барча оқимлар ифодасини кўриш мумкин, — дейди у. Мени бу оқимларнинг жараёни эмас, натижаси қизиқтиради. Ўзим эса сезиб-сезмай реал, нореал тарзда ишлашга мойилман».

Абдуқодир Юсупов сўнгги пайтларда манзара жанрида кўпроқ ижод қилмоқда. «Манзарачи ижодкор бўлиш шарт эмас, аммо рассом бўлиш албатта зарур» деган гап бор рассомлар орасида. Рассом ўз манзараларини яратар экан, уларда ўз қалбининг табиатга, ҳаётга талпинишларини турли ҳолатларда ифода этади.

Сирдарё бўйларида туғилиб ўсган, Москвадаги Суриков номли рассомлик институтини тугатган рассомнинг Гулистон бадиий кўргазмалар галереясида ўн бешдан ортиқ асари доимий экспозициядан ўрин олганлиги бежиз эмас. Тўғри, унинг асарлари АҚШ, Туркия, Малайзия ва бошқа хорижий мамлакатлардаги шахсий бисотларда сақланади, аммо муҳими бу эмас, рассом ўз юртига муҳаббатини ифодаловчи асарларини энг аввало, ҳамюртлари ҳукмига ҳавола этишдан бахтиёр.

**Нодир НОРМАТОВ**

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1019.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА*
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 23.10

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
*Навбатчи — Холли НОРБОЕВ*